



Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси – ҳолислик ва ҳаққонийликдир.

Шавкат Мирзиёев



Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи **Карим Камолов** Мамлакатимизнинг Исроил давлатидаги Фавкулда ва мухтор элчиси **Феруза Маҳмудова** билан учрашди.



Халқ депутатлари **Сурхондарё вилояти кенгаши**нинг навбатдаги сессияси видео-мулоқот шаклида бўлиб ўтди.



30 июнь – Ёшлар кўни муносабати билан ўтказилаётган ойлик доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди **Самарқанд вилояти бўлими** Самарқанд шаҳридаги «SOS – болалар маҳалласи» тарбияланувчилари ҳамда ногиронлиги бўлган **самарқандлик 12 нафар талабанинг тўлов-контракт пулларини тўлаб берди.**



Бухорлик **ғаллакорлар** белгиланган 13 минг 858 тонна ўрнига 14 минг тоннадан ошириб ҳосил олишиб, давлат шартнома режасини уддалашди.



«Ўзбекнефтгаз» АЖда фаолият самардорлигини баҳолаш тизими (КР)ни жорий этиш бўйича видео-алоқа тизими орқали **семинар ўтказилди.**

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Журналистлар баҳори – 2020» фестивали ғолиблари номини эълон қилди.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида юртимизнинг бир гуруҳ ёшлари ташаббуси билан ташкил этилган **Biz-TV** онлайн телеканали (www.biztv.uz) ва **Biz-FM** онлайн радиоси (www.bizfm.uz) ўз фаолиятини бошлади.

Термизда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси Сурхондарё вилояти бўлими ўтказган «Сурхондарё – қадриятлар бешиги» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши энг фаол журналистларни тақдирлади. ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 27 июнь • шанба • № 70-71 (4356)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Барчангизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, жаҳон миқёсида юз берган пандемия туфайли вужудга келган бугунги мураккаб вазият ва қийинчиликларга қарамасдан, аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиб бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни атрофлича акс эттириш йўлида ўз профессионал бурчини сийқидилдан адо этиб келатган сиз, журналистлар аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларга аёнки, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда ахборот соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги уч йилда бу борада ўндан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилин-

гани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида кўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди.

Ана шу хизматлар томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этилмоқда, ҳаётимиздаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирилмоқда, уларнинг веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, мобил мессенжерлардаги саҳифалари янгилаб борилмоқда.

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ БЎЛСА, АНИҚ НАТИЖАГА ЭРИШАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 26 июнь кўни Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Поп туманидаги «Нуран уз» мева-сабзавотчилик кластери фаолияти билан танишди.

Поп Наманган вилоятининг ҳудуди жиҳатидан энг катта тумани. Президентимизнинг фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ ҳўжалик ерларини оборотга қайтариш тўғрисидаги тегишли қарорига мувофиқ, тумандаги унумсиз ерларни ўзлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурга асосан «Нуран уз» масъулияти чекланган жамияти томонидан Поп туманидаги адирликлардан иборат 1 минг 885 гектар ўзлаштирилмаган ерда мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилди. Жорий йилнинг баҳорида бу ерда 100 гектарга ўрик, 70 гектарга гилос кўчатлари экилди, 12 гектар ерда узумзор барпо этилди.

Испаниядан келтирилган «Magador», «Maryblon 29с», «Florja» каби ҳосилдор навли ўрик кўчатлари икки ойдаёқ нишона берди. Бу боғ келаси йил тўлиқ ҳосилга кириди ва гектарига 70 тоннагача мева беради. Бир гектаридан 50 минг доллар даромад олиш мумкин.

Кластер эгалари бу билан чекланиб қолмасдан, боғ қатор ораларига қовун, тарвуз эқди. Айни кунларда ғарқ пишган ширин-шакар тарвуз-қовунлар Россия ва бошқа бозорларга экспорт қилинмоқда. Энг муҳими, барча мева ва полд маҳсулотлари 100 фоиз экологик тоза.

Қирқ йиллар мобайнида самарасиз ётган ерларда интенсив боғ яратишга инновацион асосда ёндашилган, сувни тежайдиган томчилатиб сугориш технологияси жорий этилган. Ушбу тизимни кластернинг ўзи қилгани 50 фоиз маблағни тежаш имконини берган. Бунинг учун 180 метр чуқурликдан сув чиқарадиган 4 та қудуқ қазилган. Тўлиқ компьютерлаштирилган тизим сувни чанқаган ерларга автоматик тарзда тақсимлайди. Яъни, ҳамма иш компьютер орқали бошқарилади.

Бу – икки босқичли лойиҳанинг дастлабки бўлиб, 2021-2022 йилларга мўлжалланган кейинги босқичда яна 1 минг 455 гектар ер ўзлаштирилади. Лойиҳа тўлиқ амалга ошган, 350 та иш ўрни яратилади, йилига 10 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсу-

лотлари экспортга йўналтирилади.

Ушбу фойдаланилмай келган ташлан-диқ ерларда обод боғ барпо этиш осон бўлгани йўқ. Бунинг учун ерга тупроқ солинди, унумдор технологиялар олиб келинди. Бу, албатта, юртимизда фойдаланилмай, қаровсиз ётган ерларни ўзлаштириб, аҳолига даромад келтирадиган майдонларга айлантириш бўйича бошланган саъй-ҳаракатларнинг натижаси.

Келгусида кластер 500 гектарга нязматак, 200 гектарга Калифорния узумини экишни режалаштирган. Ушбу навли узум тўртинчи йилда 100 килограмм ҳосил беради, жаҳон бозорига бир килограммининг баҳоси 37 евро туради.

Асосийси, бу ерда тахминан деҳқончилик қилинмайди, яъни эртага қанча фойда олиши аниқ. Қаровсиз чўлини шундай боғу бўстонга айлантираётган миришкорлар тажрибасини қишлоқ хўжалиги ривожланган вилоятлар учун ўрнак қилса арзийди. Мана имконият йўқ жойдан даромад олиш, мана ақл билан қилинган меҳнатнинг натижаси.

>>> 2

Келгуси сонларда ўқинг...

Бой берилган имкониятлар

ёхуд тиббиётдаги айрим муаммолар ҳақида



Бетоб ходим ишга чиқмасликка ҳақли(ми?)



АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика Ишчи гуруҳининг Наманган вилоятида амалга ошираётган ишлари кўплаб аёлларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

3▶



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11


қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

МАТБУОТ – ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

5▶



«Hurriyat» мустақил газетаси «Ishonch» меҳмони


«Ishonch» газетасида турли босма нашрларни «меҳмон» қилиш анъанаси бор. Бунинг учун махсус руқн ташкил этилган. Мақсад – мамлакатимиздаги ўқишли матбуот нашрларига газета саҳифаларидан жой ажратиш, улардаги муҳим мақолалар билан «Ishonch» ўқувчиларини ҳам таништириш.

Тахририят бу гал 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан журналистлар газетаси – «Хуррият»ни меҳмонга тақдиф этди.

4▶

<https://t.me/koronavirusinfouz>

26 июнь кўни мамлакатимизда **250 кишида** коронавирус қайд этилди. Шундан **220 нафари** карантин муассасаларидаги фуқаролар, **25 нафари** аҳоли орасида, қолган **5 нафари** эса халқаро юк ташувчи автомашина ҳайдовчилари орасида аниқланган. Кун давомида **161 нафар** бемор соғайди.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

41 Охири йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда.

Энг асосийси, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгилашни жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Албатта, бугун биз ҳамма соҳада, жумладан, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида ҳам излашнишамиз. Бинобарин, бу йилда ютуқлар билан бирга, камчилик ва нуқсонлар бўлиши ҳам табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, миллий медиа майдонимизда замонавий ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгаллаётганини айтишга тўғри келади. Афсуски, аксарият ахборот воситаларида ижтимоий салмоғи энгил бўлган, ҳисобот ва балансларовозлик руҳидаги материаллар ҳануз устуник қилмоқда.

Яна бир муҳим масала – айрим журналист ва блогерларимизда билим ва профессионал малака, баҳс маданияти етишмаслиги жамоатчиликни ташвишлантирмоқда.

Бу борадаги энг асосий ва зифа – ана шундай камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш, мавжуд миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат кураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас та-

лаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир. Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон – у журналист бўладими, блогер бўладими, бундан қатъи назар – ана шу қоидаларга амал қилиши шарт.

Биз бўлғуси журналистларимиз чуқур билим ва касб маҳоратини, она тилимиз билан бирга чет тилларни, фаол фуқаролик позициясини, ахборот-коммуникация технологиялари, нотиклик малакасини пухта эгаллашларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ана шундай етуқ кадрларни тайёрлашда энг аввало ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсақ, албатта натижа бўлади. Бу борада жадидлар, хусусан, бу йил 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган улуг аллома ва публицист Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллий журналистика мактаби айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Сиз азизларнинг бугунги касб байрамингиз баҳона бир эзгу тақлифини илгари сурмоқчиман. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги стипендияни таъсис этсак, ўйлайманки, бу ҳам ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шунингдек, айни вақтда жаҳондаги етакчи медиа компанияларнинг кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлашга оид тажрибасини чуқур ўрганиб, чет эллик журналистлар билан тажриба алмашиш, халқор ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур.

Муҳтарам матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларни ва сизларнинг ижод маҳсулингиздан баҳраманд бўладиган жамми муштарий ва мухлисларингизни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилаймман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ БЎЛСА, АНИҚ НАТИЖАГА ЭРИШАМИЗ

41 Давлатимиз раҳбари боғни кўздан кечирди, шу ерда нуронийлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари билан суҳбатлашди.

Наманган вилоятида туманларни муйайн қишлоқ хўжалик экинларига ихтисослаштириш, жумладан, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларини боғдорчиликка йўналтириш лозимлиги қайд этилди.

– Бошқа йўлимиз йўқ. Еримиз жаннатмонанд бундан фойдаланиб, Наманганни бошқа ҳудудларга намуна қилишимиз керак, одамларни уйғотишимиз лозим. Йилма-йил фойдаланиш шарти билан ерини, уруғини, кўчатини, маблағини берамиз, қолган ҳаракат одамларнинг ўзидан бўлиши керак. Шундай қилмасак эртага натижамиз бўлмайди, – деди Президент.

Шу ерда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳалар, истиқболли режалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигига бундай янгича ёндашув Ўзбекистоннинг янги қирраларини, янги имкониятларини амалда намоён этадиган тизим бўлиши кераклигини таъкидлади.

Мутасаддиларга туманларни аниқ экин турларига ихтисослаштириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш, бунда ҳар бир ҳудуднинг иқлими, имкониятларини ҳисобга олиш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Чортоқ тумани Баланд адир ҳудудида иссиқхоналар мажмуасини барпо этиш лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Наманган вилоятига ташрифи чоғида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, кам таъминланган, камбағал оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида доимий даромад манбаига қўмақлашиш юзасидан топшириқлар берган эди. Ана шу топширик асосида вилоятда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда «Бир жойда» – минг оила иссиқхонаси» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар жадал бошлаб юборилган. Жумладан, «Голден Натс Наманган» агро томорқа хизмати МЧЖ Баланд адир даштликларига узоқ йиллар давомида фойдаланилмаган 36 гектар майдонда ҳар бири 2 сотихли 1000 та иссиқхона қурмоқда.

Умумий қиймати 13 миллиард сўм бўлган лойиҳага Бандликка қўмақлашиш жамғармаси ҳисобидан 6,7 миллиард сўм субсидия ва тижорат банкларининг 6,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредити йўналтирилди.

Ҳозирга қадар 800 иссиқхона фойдаланишга топширилди. Уларда йилга 7 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш мумкин. Яна бир ойда сўнг қолган 200 иссиқхона ҳам тайёр бўлади.

Президент бу иссиқхоналарнинг афзаллик жиҳатлари, мавжуд шароитлар ҳақида маълумот берилди. Мутасаддилар фикрича, иссиқхоналарда «Бир маҳалла – бир маҳсулот» таъминоти асосида сифатли, экспортбоп маҳсулотлар етиштирилади, камбағал оилалар доимий даромад манбаига эга бўлади. Яна бир қулайлиги, маҳсулотни етиштиришда кўчат, сув, минерал ўғит ҳамда бозор таъминоти етакчи тадбиркор томонидан кафолатланади.

Иссиқхоналарда йилга 3 марта ҳосил етиштириш имкони бор. Битта иссиқхонада 700 туп помидор кўчати экилган. Ҳар бир туп кўчатдан 4–5 килограммдан ҳосил олиш мумкин. Демак, 1 килограмм помидорнинг ўртача нархи 3 минг сўм бўлиб турган шу кунларда, биринчи ҳосилнинг ўзидан 7–8 миллион сўм даромад қилса бўлади.

Лойиҳа асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ушбу ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, кам таъминланган, камбағал оилалар аъзоларини қишлоқ хўжалиги касбларига ўқитиш учун Агробизнес ўқув моно марказини ташкил этди. Марказда лимончилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик каби йўналишларда йилга 2000 дан ортиқ ишсиз фуқаро касбга ўқитилади.

Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлашдаги ишларни тизимли равоқотиштириш зарурлигини таъкидлади. Камда 10 мингта иш ўрни яратиш лозимлиги қайд этилди.

– Одамларимиз ислохотлар самарасини сезиши керак, – деди давлатимиз раҳбари. – Уларни рози қиладиган тизим яратишимиз зарур.

Шу ерда вилоятда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, «Голден Натс Наманган» агро томорқа хизмати МЧЖ томонидан интенсив боғдорчиликни (ёнғоқ, бодом, олма ва олча) ташкил қилиш, чорвачилик ва сутни қайта ишлаш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Учкўрғон тумани Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб балиқ турларини ишлаб чиқариш корхонаси «DB Group Eco» фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида мазкур тармоқни ривожлантиришга етарли эътибор берилмади. Бу балиқчиликнинг имкониятларини чеклади, хўжаликларда ҳосил етиштириш камайишига

сабаб бўлди. Ҳозир балиқ етиштириш нафақат сардоромад соҳа, балки ижтимоий аҳамияти катта экани инобатга олиниб, бу билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига субсидия ва имтиёзлар жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу саноат салохиятини ошириш, аҳоли таъминотини балиқ маҳсулотлари билан бойитиш, соҳага инновацияларни жорий этиш, тоғолди ҳудудларда интенсив усулда балиқ етиштириб, экспорт ҳажминини ошириш масалаларига кўп марта тўхтаган. 2017 йилда «Ўзбекиликсаноат» уюшмаси ташкил этилди. Мамлакатимизда жами 4000 га яқин балиқчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, уларда йилга 190 минг тонна балиқ етиштирилади.

Ҳудудларда интенсив усулда балиқ парваришлар корхоналари сони ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилда Наманган вилоятида балиқ етиштириш 6 минг 932 тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб бу кўрсаткич 20 минг тоннага етиши кутилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил вилоятга ташрифи давомида лойиҳа сифатида тақдимот қилинган «DB Group Eco» корхонасининг лойиҳа қиймати 40 миллиард сўм бўлиб, шундан 28 миллиард банк кредити, 12,5 миллиард эса ташаббускорнинг ўз маблағидир.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1500 тонна. Бу ерда Европа тажрибаси асосида интенсив усулда форель, лосось каби ноёб балиқ турларини етиштириш йўлга қўйилган. Увидирликдан ва балиқ озқаси Дания ва Германиядан келтирилди.

Асосан чуқуқ ва қислородга тўйинган сувларда яшайдиган, совуқсавар ушбу балиқ турларини етиштириш учун корхона ҳовузаларига сув Норин дарёсидан қўйилди ва сув айланма оқим билан яна дарёнинг ўзига қайтди. Бунда ортиқча сув ва энергия ресурслари сарфланмади.

Балиқ увидирликдан то товар ҳолатига еттунига қадар 1-1,5 йил парваришланади. Корхона тасарруфидида 5 гектар жойда увидирлик ва чавоқ етиштириш учун ёпиқ сув ҳавзалари ҳамда 66 та ортиқ ҳовуз барпо этилган. 100 та иш ўрни яратилган. Корхона тўлиқ ишга тушгач, 2000 тонна балиқ чавоғи етиштириш имконига эга бўлади. Айни вақтда форель музлатилган ҳолда, шунингдек, совуқ ва иссиқ дудланган, филе ва кам тузланган ҳолатда ички бозорга чиқарилмоқда.

– Бундай ноёб балиқ турлари аҳоли учун ҳамёнбоб бўлиши керак. Бунинг учун эса балиқ озқаси ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш зарур. Таннарх тушса бозори чаққон бўлади, одамлар дастурхонига балиқ етиб боради, тадбиркор ҳам фойда олади, – деди давлатимиз раҳбари. Форельни халқимиз хонбалиқ деб атайдиган, у фосфор, омега-3 ва омега-6 каби ёғ кислоталарига бой. Ушбу балиқ истеъмол қилинса, инсон қон-томир ва асаб, хотира сувайиши каби хасталикларга кам чалинади. Шу сабабдан хонбалиққа нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Корхона йил сўнгига қадар 300 тонна балиқ экспорт қилишни режалаштирган.

Президентимиз бундай корхоналарнинг қурилиш лойиҳаларида балиқ етиштиришнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, жиддий ёндашиш лозимлигини таъкидлади. Учкўрғон, Мингбулоқ, Ҳайчи, Поп ва Норин туманларида 299 миллион сўм қийматга эга 75 та янги лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари вилоятда қишлоқ хўжалигининг балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, эчкичилик тармоқларини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Масалан, вилоятда 2020 йилда чорвачилик тармоғида 84 та лойиҳа амалга оширилади, гўшт ва сутни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилади.

Поп тумани азалдан эчкичиликка ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари йўқолиб кетган шу тажрибани қайта тиклаш, жун етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кластер ташкил қилиш, Поп ва Чуст туманларидаги 1500 хонадонга 20 мингта қўй ва эчкини шартнома асосида тарқатиш бўйича кўрсатмалар берди.

Паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, Наманган шаҳрида 10 минг тонна экспортбоп асал тайёрлаш, қадоқлаш ва сотишга ихтисослашган комплексни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Юксалиш» кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

117 гектар майдонни эгаллаган мазкур саноат мажмуасида қурилиш материаллари, машинасозлик ва металл ишлов бериш, электротехника, тўқимачилик ва тикувчилик каби йўналишларда умумий қиймати 1 триллион 208 миллиард сўмлик 95 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар 66,9 миллиард

сўмлик 32 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, 311,1 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати эришилди. Мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга тушса, 7 минг 300 та иш ўрни яратилиб, йилга 7,8 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.

Ҳозирги кунда кичик саноат зонасида шифер, пўлатдан чоксиз труба, металл маҳсулотларини қайта ишлаш, сув насослари ва электр двигателлар, момиқ сочқ, йирик сув сиймалари ҳамда пластик қувурлар ва қисмлар, пайпоқ ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим этилди.

Йилга 35 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилаётган лойиҳа босқичма-босқич 2021 йилнинг II чорагида ишга туширилади ва 410 та иш ўрни яратилади, шунингдек, йилга 15,3 миллион долларга тенг маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган.

– Ўзбекистонимиздек фойдали қазилма бой замин камдан кам, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев. – Ўзимизда шундай юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ғоят кенг имкониятлар, табиий ресурслар бўла туриб, уларни импорт қилардик. Негат? Чунки замонавий геологик тадқиқотлар, экспедициялар қилмасдик, илм-фан орқали масалаларга ёндашмасдик. Энди хомашёдан тўғри, унумли фойдаланиш, ундан бугунги кун талабларига жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқариш учун илмий асосланган ечимлар топиш вақти келди.

Президент кичик саноат зонаси ҳудудидаги эркаклар костюми, куртка ва пальто ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Zamin kiyim sanoat» корхонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам танишди. Қиймати 24 миллиард сўмга тенг лойиҳага кўра йилга 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 300 минг доллар миқдоридagi маҳсулотлар экспортга чиқарилади. 300 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари кичик саноат зонасида фаолият кўрсатаётган қатор корхоналар маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салохияти, ҳудудда 2020-2021 йилларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ўзини ўзи банд қилиш юзасидан батафсил тақдимотлар ўтказилди.

– Бу кечаги Наманган эмас. Жуда қисқа фурсат ичида 55 минг иш ўрни яратиш, 13 триллион сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқиш – ушбу ҳудуд тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришлар олиб келиши аниқ, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев мутасаддиларга муҳокама қилинган ҳар бир мавзу бўйича чуқур таҳлил асосида кўрсатма ва тавсиялар берди.

– Бизнинг асосий хатоимиз – пулнинг қадрига етмаслигимиз. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш учун ажратилаётган маблағларнинг ҳар бири сўмини жойини билиб ишлатишимиз керак! Маҳсулот ишлаб чиқаришга таннархни камайтириш, жумладан, транспортроўвқа харажатларини тушириш учун тинмай изланишимиз лозим. Ҳар бир масалада илмий, инновацион ёндашувлар қўллашимиз зарур, – деб таъкидлади Президент.

Кичик саноат зонаси ҳудудидаги 100 дан ортиқ корхоналар фаолияти кўздан кечирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғинида «Обод ва хавфсиз маҳалла» концепцияси асосида амалга оширилган ишлар билан танишди.

«Орзу» – Наманган шаҳрининг ўз номига муносиб, орзу-ҳавас қилса арзишга номунали маҳалласи. 2013 йилда ташкил топган мазкур маҳаллада намунавий лойиҳалар асосидаги 830 та ҳамда қўлайлик каби йўналишда намуна бўлади. Бу ерда қарийб 12,5 минг аҳоли маиший қўлайлик ва имкониятлардан баҳраманд ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йили вилоятга ташрифи чоғида бу ерда бўлиб, Орзу маҳалласи мисолида аҳолига қулайлик яратиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бутун мамлакатга намуна бўладиган тизим тақдимоти билан танишган эди.

Бугун ушбу маҳалла қиёфасида мамлакатимизда халқимиз турмуш даражаси ва маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, юртдошларимиз онгу тафаккурда ўзи бераётган ижобий ўзгаришлар яққол ифодасини топган. Ҳудудда ташкил этилган «Орзу» кичик саноат зонасида 15 та лойиҳа ишга туширилиб, 930 дан зиёд иш ўрни яратилди. Шундан қарийб 400 та сизга маҳалла фуқаролари жойлашди. 1 та боғча, 650 ўринли мактаб, дорихона, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, футнес клуби, мини-футбол майдони барпо

этилди. Ўтган йили давлат хизматчилари учун 20 та хизмат ўйи қуриб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг маҳаллага бу галги ташрифи яна бир хайрли ташаббуснинг бошланғичи туртки берди. Бу ерда хавфсиз маҳалла ва Наманганда «ақлли шаҳар» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга киришилди.

Президентимиз мамлакатимизда янгилик бўлган лойиҳа – Наманган шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий геоахборот мониторинг ва рақамли бошқарув тизими билан танишар экан, энг катта масала жиноятчиликни камайтиришга эришиш эканини таъкидлади.

Янги тизимнинг мақсади шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг узлуқсиз ўрганиб бориш, кундалик назорат қилиш, муаммолар ҳолатларини дастурдаги таҳлилий маълумотлар асосида тезкор бартараф этиш, қарор қабул қилишда юқори самара берувчи янги инновацион онлайн бошқарув усулига ўтишдан иборат.

Мазкур тизимда барча кўрсаткичлар геохарита орқали мониторинг акс этади. Жумладан, аҳоли сони, ёлғиз кексалар, таълим муассасалари, меҳнат бозори, инвестициявий лойиҳалар, камбағал оилалар, криминоген муҳит каби маълумотлар узлуқсиз киритиб борилади.

Тажриба сифатида ишга туширилган бу тизим кейинчалик барча соҳалардаги электрон базаларга уланади. Натижада шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни онлайн кузатиш, вазиятни холис баҳолаш, муаммоларни назоратга олиш ва керакли чора-тадбирлар қўриш мумкин бўлади. Бу эса аҳолининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим самара беради.

Давлатимиз раҳбари вилоятдаги ёшлар ва жиноятга мойил қатламни секторлар томонидан назоратга олиш ва шу орқали жиноятчиликни жилловлаш бўйича ҳали тизимли ишлар қилинмаётганига эътибор қаратади. Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия мутасаддиларига маҳалларда тинчликни таъминлашга тўққинлик қилаётган омиллари ўрганиш, секторлар ишлаши учун қўнқулиққа тегишли меъёрларни киритиш юзасидан топшириқлар берилди.

– Вилоятдаги секторлар раҳбарлари энди жиноятчиликка қарши курашда натижа бўйича жавоб беради. Жиноят қанча камайди, қайси адашганни тўғри йўлга қайтарди деган саволларга жавоб топиш учун мана шу тизимга ўтаямиз. Ҳам иқтисодий, ҳам жиноятчиликни, ҳам тинчликни, ҳам адолатли жойига қўйсак, халқимиз учун муносиб шароит яратган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалларга тажриба тариқасида ёшларни раис вазифаларига қўйиш ва шу орқали жавобгарлик тизимини кучайтириш, аҳоли билан ишлаш учун психолог кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлаётган омиллари бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Наманганда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича вилоят секторлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Наманган шаҳридаги «Афсоналар водийси» маданият ва истроҳот боғи ҳудуди 155 гектар. Мазкур дам олиш масканида 123 миллион долларга тенг лойиҳа амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи доирасида ушбу истроҳот боғида бажарилган ишлар билан танишди, дам олувчилар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу боғча аввал ҳам ташриф буюриб, уни энг замонавий талаблар асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлаганди. Ўтган давр мобайнида бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда қисман ишга туширилган маданият ва истроҳот боғи тўлиқ фойдаланишга топширилса йилга 600 минг аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Айни пайтда 16 турдаги аттракционли тематик парк, 2400 ўринли амфитеатр, 7 хил сув аттракционлари ва 16 та бассейнлик аквапарк, 2 та замонавий шаршара ва мусуқали фаввора, 3 та ресторон, 1800 ўринли 2 та автотураргоҳ ташкил этилган. 2022 йил март ойига қадар миллий хуранманлар маркази, масжид, 400 ўринли меҳмонхона, 110 та виллани ишга тушириш режалаштирилган.

1 минг 500 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган бу масканда бугунги кунда 600 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда.

– Икки йил олдин мана шу боғ лойиҳаси билан танишиб, уни «Афсоналар водийси» деб ном беришни тақлим қилган дедим. Номига муносиб бўлибди. Камлакатимизда бу каби замонавий дам олиш масканларини ҳали қўллаб барпо этамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Акрамон САТТОРОВ,
ЎА махсус мухбирлари



«Бизнинг ҳам ўз ўрнимиз бор»

Навоий вилояти касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёшларнинг турмуш шароитини яхшилашга жиддий эътибор бермоқда.



Наманган вилояти

Бундан икки ой аввал ишчи гуруҳ вакиллари Наманган вилоятининг Чортоқ туманида хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, тадбиркорлик қилиш истаги бўлган аёлларга тўсиқ бўлаётган камчиликларни уйма-уй юриб ўрганган эди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, нотинч оилалардаги аҳвол билан яқиндан танишилганда, вилоят бўйича 3 минг 55 та муаммо аниқланди.

Хотин-қизларга тааллуқли муаммоларнинг 449 таси уй-жой билан таъминлаш ва уйлари таъмирлаш, 448 таси соғлигини тиклаш, 337 таси моддий ёрдам, 754 таси иш билан таъминлаш ва маиший ёрдам, 1067 таси тадбиркорлик ва кредит ажратиш йўналишларига тўғри келади. Ўрганилган муаммоларнинг 1067 таси туман, 1539 таси вилоят, 449 тасини республика даражасида ҳал этиш белгиланди.

Ишчи гуруҳ ва сектор раҳбарлари ҳамкорлигида аниқланган 120 та муаммо жойида бартараф этилди ва 135 тасини қисқа мuddатда ҳал этиш бўйича чоралар кўрилди.

ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛГАН МУАММОЛАР

Ҳаёт таъмиши билан ўралашиб қолган, соғлиғи ёки боқувчисидан айрилган, тун-у кун ногирон фарзанди парвариши билан андармон, рўзғори камини тўлдириб қурби етмаса-да, маҳаллага ёрдам сўраб чиқишга ори йўл қўймайдиган мушфиқларнинг ҳолидан хабар олиш, берилаётган моддий кўмак кўпчилик қишлоқ аёлларининг қалбига нур, эртанги кунга умид бағишлади. «Таъмишини тугунига тугиб қўйган»ларнинг хонадони ўрганилганда, матонатли, заҳматкаш аёлларнинг сабр-у бардошига таҳсин айтилди.

Чортоқ туманидаги «Арбағиш» МФЙда яшовчи Шохиста Нурбоева турмуш ўртоғидан эрта айрилган бўлса-да, уч нафар фарзандини яқка ўзи улғайтирди. Бугун унинг икки ўғли олийгоҳда таҳсил олади. Бири шартнома асосида ўқийди. Аммо қайнонаси бемор, қайсинглиси эса ногирон, қаровга муҳтож. Бу оилага шароит тақозосидан келиб чиқиб, тикув машинаси олиб берилди. Шу маҳаллада яшовчи Гулчехра Эралиеванин турмуш ўртоғи жигар хасталигига чалинган бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз. Оиласидаги уч фарзанднинг икки нафари хорижга ишлашга кетган. Бу оиланинг бор-йўқ даромади томорқасидан. «Тўкилай» деб турган уйни таъмирлаш учун ушбу хонадонга маблағ ажратилди.

«Юксалиш» МФЙ, Теракзор кўчаси, 163-хонадонда яшовчи ёлғиз она Комила Тўйчибоевнинг яшаш шароити ўрганилганда, боқувчиси йўқлиги, 2008 йилда туғилган фарзанди ногиронлиги, уни даволаш учун ёрдамга муҳтожлиги аниқланди. «Ласкидон» МФЙ, Бирдамлик кўчаси, 55-уйда яшовчи Мастура Қодированин жигари касал. Турмуш ўртоғи ҳам касалманд бўлгани учун даволашига маблағ етмайди. Яқка-ёлғиз фарзанди ҳам ишлаб, пул топиш учун четга кетган. Ишчи гуруҳ бу оилаларнинг ҳар бирига моддий кўмак сифатида маълум миқдорда маблағ ажратди.

Бундан ташқари, тумандаги «Дамариқ», «Кесканёр» МФЙларда оғир шароитда яшайётган хотин-қизлар муаммолари ўрганилиб, кўплаб оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШЛИ ҚИЛГАН ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали даромад манбаига эга бўлиши учун имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарлигида республика ишчи гуруҳига ажратилган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган Чортоқ туманида 6 та, Янгикўрғон, Косонсой туманлари ҳамда Наманган шаҳрида 1 тадан бизнес лойиҳа учун 6 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 792 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Янгикўрғон тумани, «Тинчлик» МФЙ ҳудудида анчадан буён бўш ётган ер майдонида бугун йиллик айланма маблағи 2 миллиард 500 минг сўмга тенг бўлган корхона қад ростлади. 50 нафар маҳаллий хотин-қизни иш билан таъминлаган ушбу фабрикада 15 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, тўлиқ экспорт қилинади.

– Бугун тадбиркорлик қиламан, маҳаллий аҳолига иш ўрни яратаман, деган кишига ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқимиз ёрдам бермоқда, – дейди корхона раҳбари Шавкат Мансуров. – Янги корхона ишга тушириш учун 250 миллион сўмлик сармомам камлик қилди. Ишчи гуруҳ тавсияси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан менга 100 миллион сўмлик фойсиз кредит ажратилгани қўл келиб, янги ишни бошлаб юбордим. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтириш ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишни лойиҳалаштирдик.

Чортоқ туманининг Гулшан қишлоғидаги «Келажак сифат текстиль» корхонасида эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ишга тушириш учун қишлоқдаги бўш турган бино тадбиркорга «ноль» балансда фойдаланишга берилди. «Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш» дастури доирасида Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси корхонага 500 миллион сўм маблағ ажратди.

– 100 нафар маҳаллий хотин-қизни ишли қилган, рўзғорига барака келтираётган, ҳаётини рози яшашга имкон берган корхонамизнинг бугунги кундаги йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2,5 миллиард сўмга тенг, – дейди корхона раҳбари Шерзод Агаилов. – Келгусида бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг элик-олтмиш фоизини Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ҳамда Россия Федерациясига экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

Чортоқ тумани, Мучум қишлоғи, «Соҳибкор» МФЙда касаба уюшмалари маблағлари ёрдамида ташкил этилган яна бир корхона «Мега Голд текстиль сервис» МЧЖдир. Ҳозирги кунда бу ерда 100 нафар хотин-қиз иш билан банд.

– Узоққа бормай, туғилиб ўсган қишлоғингда ишли бўлсанг, бунинг гашти ҳам ўзгача экан, – дейди корхона ишчиси Гулзода Раҳимова. – Ҳамма, бир-биримизга кўшни, қариндош, синфдош, дугона бўлганимиз учун ишимизда ҳам унум бор. Юртимизда аёлларнинг рўзғорини бутлаш, ҳаётимиздан мамнун яшашимиз учун бундай амалий ишлар бардавом бўлаверсин.

Ушбу кооператив асосан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган бўлиб, ҳозирги пайтда 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Келгусида бу ерда 250 тонна сабзавот, 400 тонна мева, 200 тонна узум, 15 тонна ёнғоқ етиштириш ҳамда 450 та янги иш ўрни яратиш кўзланган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.



АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан мушкул аҳволга тушиб қолган оилаларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддилигида Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика Ишчи гуруҳи шу кунга қадар юртимиздаги минглаб эътиборга муҳтож аёлларга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Ишчи гуруҳнинг Наманган вилоятида амалга ошираётган ишлари, хотин-қизларга яратаётган имкониятлари ҳам эътирофга молик.

Чортоқ туманидаги «Арбағиш» МФЙда яшовчи Шохиста Нурбоева турмуш ўртоғидан эрта айрилган бўлса-да, уч нафар фарзандини яқка ўзи улғайтирди. Бугун унинг икки ўғли олийгоҳда таҳсил олади. Бири шартнома асосида ўқийди. Аммо қайнонаси бемор, қайсинглиси эса ногирон, қаровга муҳтож. Бу оилага шароит тақозосидан келиб чиқиб, тикув машинаси олиб берилди. Шу маҳаллада яшовчи Гулчехра Эралиеванин турмуш ўртоғи жигар хасталигига чалинган бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз. Оиласидаги уч фарзанднинг икки нафари хорижга ишлашга кетган. Бу оиланинг бор-йўқ даромади томорқасидан. «Тўкилай» деб турган уйни таъмирлаш учун ушбу хонадонга маблағ ажратилди.

«Юксалиш» МФЙ, Теракзор кўчаси, 163-хонадонда яшовчи ёлғиз она Комила Тўйчибоевнинг яшаш шароити ўрганилганда, боқувчиси йўқлиги, 2008 йилда туғилган фарзанди ногиронлиги, уни даволаш учун ёрдамга муҳтожлиги аниқланди. «Ласкидон» МФЙ, Бирдамлик кўчаси, 55-уйда яшовчи Мастура Қодированин жигари касал. Турмуш ўртоғи ҳам касалманд бўлгани учун даволашига маблағ етмайди. Яқка-ёлғиз фарзанди ҳам ишлаб, пул топиш учун четга кетган. Ишчи гуруҳ бу оилаларнинг ҳар бирига моддий кўмак сифатида маълум миқдорда маблағ ажратди.

Бундан ташқари, тумандаги «Дамариқ», «Кесканёр» МФЙларда оғир шароитда яшайётган хотин-қизлар муаммолари ўрганилиб, кўплаб оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШЛИ ҚИЛГАН ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали даромад манбаига эга бўлиши учун имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарлигида республика ишчи гуруҳига ажратилган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган Чортоқ туманида 6 та, Янгикўрғон, Косонсой туманлари ҳамда Наманган шаҳрида 1 тадан бизнес лойиҳа учун 6 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 792 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Янгикўрғон тумани, «Тинчлик» МФЙ ҳудудида анчадан буён бўш ётган ер майдонида бугун йиллик айланма маблағи 2 миллиард 500 минг сўмга тенг бўлган корхона қад ростлади. 50 нафар маҳаллий хотин-қизни иш билан таъминлаган ушбу фабрикада 15 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, тўлиқ экспорт қилинади.

– Бугун тадбиркорлик қиламан, маҳаллий аҳолига иш ўрни яратаман, деган кишига ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқимиз ёрдам бермоқда, – дейди корхона раҳбари Шавкат Мансуров. – Янги корхона ишга тушириш учун 250 миллион сўмлик сармомам камлик қилди. Ишчи гуруҳ тавсияси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисобидан менга 100 миллион сўмлик фойсиз кредит ажратилгани қўл келиб, янги ишни бошлаб юбордим. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтириш ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишни лойиҳалаштирдик.

Чортоқ туманининг Гулшан қишлоғидаги «Келажак сифат текстиль» корхонасида эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ишга тушириш учун қишлоқдаги бўш турган бино тадбиркорга «ноль» балансда фойдаланишга берилди. «Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш» дастури доирасида Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси корхонага 500 миллион сўм маблағ ажратди.

– 100 нафар маҳаллий хотин-қизни ишли қилган, рўзғорига барака келтираётган, ҳаётини рози яшашга имкон берган корхонамизнинг бугунги кундаги йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2,5 миллиард сўмга тенг, – дейди корхона раҳбари Шерзод Агаилов. – Келгусида бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг элик-олтмиш фоизини Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ҳамда Россия Федерациясига экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

Чортоқ тумани, Мучум қишлоғи, «Соҳибкор» МФЙда касаба уюшмалари маблағлари ёрдамида ташкил этилган яна бир корхона «Мега Голд текстиль сервис» МЧЖдир. Ҳозирги кунда бу ерда 100 нафар хотин-қиз иш билан банд.

– Узоққа бормай, туғилиб ўсган қишлоғингда ишли бўлсанг, бунинг гашти ҳам ўзгача экан, – дейди корхона ишчиси Гулзода Раҳимова. – Ҳамма, бир-биримизга кўшни, қариндош, синфдош, дугона бўлганимиз учун ишимизда ҳам унум бор. Юртимизда аёлларнинг рўзғорини бутлаш, ҳаётимиздан мамнун яшашимиз учун бундай амалий ишлар бардавом бўлаверсин.

Ушбу кооператив асосан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган бўлиб, ҳозирги пайтда 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Келгусида бу ерда 250 тонна сабзавот, 400 тонна мева, 200 тонна узум, 15 тонна ёнғоқ етиштириш ҳамда 450 та янги иш ўрни яратиш кўзланган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.



Ушбу корхонада эркаклар, аёллар ҳамда болалар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқариш қуввати 10 миллиард сўм. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорларга етказиб берилмоқда. Келгусида маҳсулотнинг ўттиз-қирқ фоизи кўшни давлатлар ҳамда Россия Федерациясига экспортга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Эътиборлиси, биргина Чортоқ туманида 6 та лойиҳага 2 миллиард 900 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиб, 880 нафар аёлнинг бандлиги таъминлангани бугун ўз самарасини бера бошлади. Ҳозирда тумандаги «З.М.Бобур» агрофирмаси ҳудудида бўш турган ер майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида ишсиз хотин-қизлар учун «Кооператив фаолият» ташкил этилган бўлиб, ердан оладиган даромадларини ошириш мақсадида 4,3 километрлик масофадан обиҳаёт чиқариш учун сув насосини ишга тушириш ва дала шийпони қуриш ишлари авжида. Бу учун 1 миллиард сўмлик маблағ ажратилиб, сув тармоғини тортиш орқали кичик иссиқхоналар қуриш ва боғдорчилик ташкил этиш режалаштирилган. Тез орада бу ерда 450 та янги иш ўрни яратилади.

Ушбу кооператив асосан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган бўлиб, ҳозирги пайтда 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Келгусида бу ерда 250 тонна сабзавот, 400 тонна мева, 200 тонна узум, 15 тонна ёнғоқ етиштириш ҳамда 450 та янги иш ўрни яратиш кўзланган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Ушбу корхонада эркаклар, аёллар ҳамда болалар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқариш қуввати 10 миллиард сўм. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорларга етказиб берилмоқда. Келгусида маҳсулотнинг ўттиз-қирқ фоизи кўшни давлатлар ҳамда Россия Федерациясига экспортга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Эътиборлиси, биргина Чортоқ туманида 6 та лойиҳага 2 миллиард 900 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиб, 880 нафар аёлнинг бандлиги таъминлангани бугун ўз самарасини бера бошлади. Ҳозирда тумандаги «З.М.Бобур» агрофирмаси ҳудудида бўш турган ер майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида ишсиз хотин-қизлар учун «Кооператив фаолият» ташкил этилган бўлиб, ердан оладиган даромадларини ошириш мақсадида 4,3 километрлик масофадан обиҳаёт чиқариш учун сув насосини ишга тушириш ва дала шийпони қуриш ишлари авжида. Бу учун 1 миллиард сўмлик маблағ ажратилиб, сув тармоғини тортиш орқали кичик иссиқхоналар қуриш ва боғдорчилик ташкил этиш режалаштирилган. Тез орада бу ерда 450 та янги иш ўрни яратилади.

Ушбу кооператив асосан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган бўлиб, ҳозирги пайтда 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Келгусида бу ерда 250 тонна сабзавот, 400 тонна мева, 200 тонна узум, 15 тонна ёнғоқ етиштириш ҳамда 450 та янги иш ўрни яратиш кўзланган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туманда асарличилик, иссиқхона, гўзаллик салонлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тикувчилик каби йўналишлар орқали 1616 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Ишчи гуруҳ фаолияти

ТАШАББУС ВА КЎМАК ДАВОМ ЭТАДИ

Жорий йил якунига қадар Наманган вилоятидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастурига асосан ажратилган маблағларни қайтариш ҳисобига кам таъминланган, моддий кўмакка эҳтиёжманд оила хотин-қизларига умумий қиймати 590 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд. Бу 130 нафар аёлни ногиронлик аравачаси, 160 нафарни тикув машинаси, 200 нафарни электр печи, 130 нафарни газ плитаси билан таъминлаш деганидир.

Дастурларда туман ҳокимликлари тегишли идоралар билан биргаликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, оилавий ажримлар ва муаммоларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини доимий ўтказиб бориши асосий масала қилиб белгиланган. Бу ҳар бир аёл эътибор ва кўмакдан бебаҳра қолмаслигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ишчи гуруҳ дастурларнинг бажарилишини доимий назоратга олган бўлиб, назорат таҳлил натижасида айна пайтгача чет давлатга ишлаш учун кетган 5223 нафар наманганлик хотин-қизнинг 1971 нафари юртимизга қайтарилди.

Рўзғорда аёл ҳам ишласа, турмуш ўртоғига ёрдам бера олса, унинг оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳурмати юксалади. Ана шу мақсадда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, бандлик бош бошқармаси, ҳудудий бўлимлари ҳамда иш берувчилар ҳамкорлигида 29 та меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уларда 2389 нафар хотин-қиз иштирок этиб, 841 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди, 625 нафари

доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, вилоят миқёсида ажратилиш арафасида турган 669 та оила мавжудлиги аниқланди. Оилавий ажримларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ўтказилган тушунтириш ишлари туфайли 854 та оила яраштирилди. 407 та нотинч, шароити оғир оиладаги хотин-қизларга «Қайноналар кенгаши», имом-хатиблар, отинойилар, нуронийлар ва профилактика инспекторлари бириктирилган ҳамда вазият доимий назоратга олинган.

Ишчи гуруҳ аёлларни нафақат ишли, балки касб-хунарни қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Янгикўрғон туманидаги «Камалак», Норин туманидаги «Норин» болалар оромгоҳлари негизда хотин-қизларни касбга йўналтириш ва тадбиркорлик соҳасидаги малакаларини ошириш бўйича ўқув курслари фаолият юритмоқда.

Чегарага яқин ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда аёллар саломадлигини тиклаш марказлари иш бошлади. Туризм йўналиши бўйича Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғида дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.

Чегарага яқин ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда аёллар саломадлигини тиклаш марказлари иш бошлади. Туризм йўналиши бўйича Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғида дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.

Чегарага яқин ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда аёллар саломадлигини тиклаш марказлари иш бошлади. Туризм йўналиши бўйича Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғида дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.

Чегарага яқин ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда аёллар саломадлигини тиклаш марказлари иш бошлади. Туризм йўналиши бўйича Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғида дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.

Чегарага яқин ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда аёллар саломадлигини тиклаш марказлари иш бошлади. Туризм йўналиши бўйича Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғида дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.

Чегарага яқин ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда аёллар саломадлигини тиклаш марказлари иш бошлади. Туризм йўналиши бўйича Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғида дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.



O'zingni angla! Hurriyat Mustaqil gazeta

АКС-САДО

Оқибат кўриқхонаси қаерда?

«Hurriyat» газетасининг шу йил 11 март сонидан чоп этилган Абдулазиз Аҳмедовнинг «Юракнинг пинҳон хонаси ёхуд Ватан ким ўзарга севилади» сарлавхали мақоласини ўқидим, мен ҳам бу борадаги фикрларимни қораладим.



Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг суратига қараб, сийратини баҳолай олмаймиз. Орамизда шундай кишилар борки, улар сохта ватанпарварлик, маддоҳлик ва қарсақбозлик билан мақсадига эришиш пайида бўлади, чиркин ўй-хаёлларини амалга оширишга уринади. Ишнинг бит-қазийш учун энг ёмон кўрган кишисини-да қўқларга кўтариб мақтайди, ялтоқланади. Бу каби тили билан дили бошқа одамлар ҳақида не-не улуғларимиз «михлаб» айтганлар.

Биз йўқлиб бораётган ҳайвонларни, ўсимликларни давлат муҳофазасига олиш учун уларга кўриқхоналар ташкил қиламиз, балки одамлар орасида йўқлиб бораётган оқибат, шаймон ва инсоф учун ҳам кўриқхона ташкил қилишимиз керакдир. (Абдулла Орипов)...

Бугун ҳам ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқларда икки-юзламанчилик ҳақида бонг уриб гапирилляпти, бу иллат қораланиб, унга қарши курашишга чақирилляпти. Ваҳоланки, биз ўзгартириш, хушомадгўйликдан халос бўлишни, энг аввало, ўзимиздан бошламас эканмиз, у авлодларимизга-да ўтиб, тобора чуқур илдиз ота-верлади. Радио-телевидениеда тўқинланган гапириб, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб, бир-бирдан ўтир мақолалар ёзиш билан натижага эришиб



ЮРАКНИНГ ПИНҲОН ХОНАСИ

Хаёлимдан кейинги беш ой мобайнида дунёни ларзага солаётган воқеалар кечди. Шу вақт оралиғида инсоният ўз тамадуни давомидида кўрилмаган ҳодисага дуч келди. Оламни гўё Помпей zilzilаси титратди ва ҳамон титратиб турибди. Айрим кишилар дунё тарихи энди иккига: корона-вирус пандемиясигача ва ундан кейинги даврга ажралади деб, башорат қилишмоқда. Бўлса бордир. Бундай «башоратлар»дан интернет сайтлари ёрилиб кетиш арафасида. Чунки интернет моддий энергия билан боғлиқ. Ута қизиб кетса, ёрилиши тайин... Мен эса кўрган тушимни яхшиликка йўйиб, инсоният бугунги танг аҳволдан албатта чиқиб кетишига, бу ишда кўлловчи Аллоҳнинг қудрати буюклигига ишонган ҳолда ёзувчи устозим Шукур Холмирзаевнинг бир мақоласини ўқиб, таъсирланиб, руҳий энергия манбаи бўлган газеталар ҳақида баъзи уйларимни битишни лозим топдим.

Очиги, бугунги кўчага чиқиш тақиқланган бир даврда газета ўқиш ҳам қийин иш бўлиб қолди. Шундай экан, илтиҳимдаги коронавирусыгача чоп этилган нашрларни кўздан кечириб, юқорида келтирилган, айрим кишиларнинг корона-вирус тарихини иккига ажратади, деган «башоратлари» бизнинг газеталаримизга таъсир кўрсатмас керак, деган ўйга бораман. Қани энди, газеталаримиз корона-вирус даф этилган, эрталабдаги каби бир юмалаб... «ўқишга газитларга айланмиш қолса! Шуларни ўйлаб, анчадан буён босма нашрларнинг инқирози ҳақида гап-сўз кўпайгани ёдимга тушди. Аслида ўзбекининг газета ўқиш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Нарг бора икки-уч аср бўляпти. Дунё халқларининг илгорлари эса бу матоҳни гўё алмисоқдан қолган деб билишади. Шу босиб бўлса керак, уларнинг аксарияти газетани, яъни доимий ном билан мунтазам чоп этиладиган икки ёки ўнлаб саҳифалардан иборат бўлган босма нашрга катта ҳурмат ва эътибор билан қарашади.

Хўш, ватанимиз Туркистонда газета қачон пайдо бўлди? Бу ҳақида маълумотлар кенг тарқалган. Жумладан, профессор Беғали Қосимовга кўра, Туркистонда даврий матбуот аслида жадидлардан илгарироқ, 1870 йилда пайдо бўлиб, Россия ҳукуматининг илтиҳимчилик сийсатига хизмат қилган. Мазкур газета «Туркистонские ведомости» эди. Шу йилнинг ўзиде, яъни рус тилидаги «Туркистонские ведомости» чиқарилгандан икки ой ўтиб, газетанинги ўзбек тилидаги иловаси ҳам чоп этила бошлади. «Газета, — деб ёзади Б.Қосимов, — табиийки, расмий хабарларга, чунончи, оқлодшоҳнинг фармойишлари, вазирларнинг фаолияти, Россия ички ҳаётига катта эътибор берди, ўрни билан Туркистон тарихи, маданияти, ҳозирги турмушига оид мақолалар уюштирди». Шу ўринда Беғали домла қизик бир маълумотни келтиради: «Масалан, газетанинги 1911 йил, 45-сон (19 июнь)да босилган «15 июня 1911г. в Ташкенте» (аҳамиятига кўра муҳим мақолалар русча номланган) мақоласини олайлик. Мақола Тошкентнинг руслар томонидан босиб олиниш санасига бағишланган. Бу сана ҳар йили тантанали нишонланган. Шу кун Тошкентнинг руслар яшайдиган Янги шаҳар қисмидан Эски шаҳардаги босқин пайтида ўлдирилган русларнинг қабри жойлашган Камолонгача бўлган кўчалар олдидан тозаланиб, сувлар сепилиб, ҳар икки тарафига байроқлар осилиб безатилган. Минглаб маҳаллий халқ кўчага чиқарилиб, катта байрам уюштирилган... Газета байрам шодоналарини ҳикоя қилар экан, истилода қатнашган «уруш фахрийларининг маҳаллий халқ билан «урашувлари»га кенг ўрин беради. Халқнинг «илгарироқ душман кўзи билан қараган бўлсалар», «Энди ушбу одамларга дўст ва биродарлик кўзи билан қарамоқлари» лозимлигини таъкидлайди. Чунки улар «Сизларни(нг) ободлик ва тараққиётида бўлмоғингизга сабаб бўлган» деб кўрсатади...

Беғали домла (у кишининг охирақлари обод бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз) дан иқтибос келтирилганининг сабаби бор. Бу ҳақида кейинроқ, Ҳозир эса ўзбек матбуотида жадидларнинг ва Россия муслмонларининг кўрсатган таъсири хусусида қисқача тўхталамиз. Тарихчиларга кўра, газета аслида туркий халқлар ҳаётига ўн тўққизинчи асрнинг 30-йилларида Туркияда «Тақвими вақо» («Воқеалар календарини»)нинг чоп этилиши билан кириб келганини айтилади. Ношир Исмоил Гаспиралининг «Таржумон»ига қадар Туркия ва Озарбайжонда бир қатор газеталар чоп этилди, ammo уларнинг ҳеч бири Россия мустамаклаши бўлган Қримнинг Боғчасаройида дунё юзини кўрган «Таржумон»чаллик машҳур бўлмади. Гапни чўзмай, мазкур газетанинги турк оламига кўрсатган таъсири хусусида икки оғиз сўз келтирамиз холос. «Туркистон макотиби жадидининг лисони истиқбол-ляси ёнқи прўграм лисониясидан бир қоч (неча) сатр ўзалим, — дейди Беғубудий. — Умумурсия муслмонларинда, Туркистончи Русий ва Самарқандда усули савтия китоблари туркча ўлароқ вужудга чиқди. Жумла муаллим ва устозлар, муовинлар туркий «Таржумон»

ПУБЛИЦИСТ ЎЙЛАРИ

Кеча эрталаб бир туш кўрдим: тонгги ғира-шира экан. Бир томон баянд девор. Девор таги ҳам хира ёруғ. Бир четда одам сояси кўринади. Унинг ёнида пешонасидан тортиб, то думигача аниқ икки хил ранга — бир томони қизил, иккинчи томони оқ от. От оёқларини кериб, бошини баянд кўтариб турибди. Шу пайт қаердангир катта ойболта пайдо бўлиб, отнинг пешонасиди икки ранг ўртасига чоғилиб, бутун танани иккига бўлиб ташлади. Шу пайт мўъжиза рўй берди: иккига бўлиб ташланган от танаси бўлақларидан биттаси қизил, иккинчиси оқ от пайдо бўлиб, икки томонга юриб кетишти... Бу ҳолни кўриб, нималарнидир гапирдим, нималарнидир хаёлимдан ўтди. Эслолмадим. Уйғониб кетдим. Кун ёйилиб қолган экан. Кечгача кўрган тушимни нимага йўйишни билмай кўнглим ғаш бўлиб юрдим. Эскилар тушдаги от — мурод дейишади. Мен кўрган от халок бўлди... Аммо унинг нимталаридан бошқа иккита — оқ ва қизил отнинг вужудга келгани эса кўнглимни кўтарди.

Газетани ўзини таниган одам ўқийди (Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг бир мақоласидан таъсирланиб...)

Тили соясинда матлаб ва маълумотлар ноил ўлдлар. Турк тили ва адабиёти Россия муслмонларини сайд этакдир. Матбуот бунга шохиддир. Шу ўринда юқорида Беғали домланинги «Туркистонские ведомости» газетасидан келтирилганимиз иқтибоси хусусида ҳам фикр юритиш жоиз. Бунинг учун домланинги ўзи ёзган «Миллий уйғониш» китобидан яна иқтибос келтирамиз: «1906 йилда гапиргуслар маорифи масаласи жиддий тус олади, — деб ёзади Беғали домла. — Маориф вазирлигидаги корча-лонлар Россия муслмонлари учун очилган рус-татар, рус-тузем мактаблариде она тилини рус алифбосида ўқишти масаласини кўтардилар. Шунда «Таржумон» «Фойдасиз хизмат» (122-сон) деган мақола босади. «Эй гўспўда»лар, ақл(е) га мурожаат этинг. Бизим ўз алифбomis вор, ҳам динийдур, ҳам дунёвийдур. Русча ва французча ўқуруз, лекин ўз алифбomisни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этма(й)миз», деб ёзилган эди мазкур мақолада. Мақола муаллифи Исмоил Гаспирали эди».

нинг аҳамияти катта бўлган. Бу ҳақида устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев: «мазкур газетанинги эълон қилинган мақолалар ўзининг ишончилиги, салмоқли фикрлари билан ўқувчиларни ўзига жалб этади. Газета биронинг ногарасига ўйнамаган. Айтайлик, бир пайтлар «ўзбек мафияси» ҳақида афсоналар тўқиш совет матбуоти учун урф бўлиб, ҳаттоки, айрим мақолаларда бутун халқ жиноятчиға чиқариб қўйилган эди. Яқинда (1994й.) ўша йилларда чоп этилган газеталарни варақлаб чиқдим. «Труд» халқимиз шаънига бўхтон уюштирмаган экан.



Туркестанская Туземная Газета
1892 ГОДЪ
№ 18



Шундай қилиб, «Туркистонские ведомости» газетаси маҳаллий халқни «Сизларни(нг) ободлик ва тараққиётида бўлмоғингизга сабаб бўлган» кишиларни (чор Россияси босқинчиларини) ҳурмат қилишга мажбур этса, Исмоил Гаспиралининг «Таржумон» газетаси ўша халқни ёт алифбога ўтказмоқчи бўлганларга «Русча ва французча ўқуруз(ўқиймиз), лекин ўз алифбomisни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этма(й)миз», дея туркийларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам минг йиллар мобайнида тарих яратиб келган ёзувини ҳимоя қилади. Назаримда, ушбу манзилда сўзломликка ҳожат йўқ. Икки хил ниятда ташкил бўлган газеталардан келтирилган иқтибосларнинг ўзи кимнинг ким эканини кўрсатиб турибди.

Зотан, газета ўқотар қурол бўлма-са-да, нишонга олган жойида бир ўзгар-риш ясаш қудратига эга ахборот воситасидир. Унинг асосий нишони эса инсон ақли ва қалбидир. Ушандай газеталар-нинг нуфуси ҳам бугунга келиб пасайишга турмоқда. Ҳа, тўғри, таъбир жоиз бўлса, жамиятда барометр ролини авваллари

газеталар бажарган бўлса, бугун улар ўрнини телевидение ва ижтимоий тар-моқлар эгаллаш бошлади, деса бўлади. Аммо бу ҳақи босма нашрлар энди ту-гади, дегани эмас.

Бугунги газеталаримиз ўзларини «семент»ларига — ўқувчиларига эгами? Ўша ўқувчилар ўзлари ёқтирган нашр-ларни кўздан кўймай ўқийдиларми? Бун-дан ўттиз беш йиллар наридаги Ўзбеки-стонни эслаймиз. Одамлар эрта тонгдан нон дўконига эмас, газета киоскаларида навбатда турарди.

Шу нуқтада бир жиҳатга эътибор қар-тишингизни истар эдим. «Таржумон» ху-сусий газета эди. «Туркистонские ве-домости» газетаси эса чор ҳукуматининг ҳарбий вазирлиги органи бўлган. Қаранг, икки аср нарида чоп этилган газетадан тортиб бугунгача мавжуд нашрларнинг илмови ҳамон у ёки бу расмий ташки-лотнинг қўлида эканини кўраемиз. Со-вет даврини кўтарайлик, мустақилликка эришганимиздан сўнғ қачон бир хусусий ёки акциядор газетига эга бўлдик? Га-зеталаримиз албатта қайси-дир бир ташки-лотнинг пинжида туриб «жон сақлайди». Ўша ташкилотларнинг ўзлари ҳам бо-шқа бир каттароқ ташкилотнинг пинжида ўтирган бўлади. Ваҳоланки, дунё мат-буоти бундай тажрибадан алпақчон юз ўтирган. Масалан, Европа, Англия ва бо-ринки ана Россияда ҳам юзлаб га-зета-журналлар чоп этилади. Улар орасида бутунжаҳонга машҳур газеталар борки, бу нашрларнинг аксарияти хусусий ёки акционер гуруҳларга қарайди. «Таймс» ва «Гардиан» газеталари либерал га-зеталар ҳисобланиб, юксак савиядаги ах-борот воситаси саналади. Майли, Ан-глия биздан ҳар жиҳатдан олис, шундоқ-кечаги «оғамиз» Россияда чоп этила-диган газеталарни олайлик. Уларда ҳам айрим «Правда»га ўхшаган газеталарни айтмас, «орган-порган»лар қолмади. «Аргументы и факты» газетасининг у-мий адаби қайта қуриш йилларида беш миллиондан ошарди. Ҳозирда бир ярим миллион атофрида. Бундан анча йиллар нарида Россия газеталаридан «Труд» ва яна «Литературная газета»лар жуда машҳур эди. Сирасини айтганда, ўша республикалар ўртасидаги иқтисодий ва маънавий алоқалар узиллиб қолган 90-йилларда, айниқса, «Труд» нашри-

газеталар бажарган бўлса, бугун улар ўрнини телевидение ва ижтимоий тар-моқлар эгаллаш бошлади, деса бўлади. Аммо бу ҳақи босма нашрлар энди ту-гади, дегани эмас.

Сиз-ку, «Астафурulloҳни» айтганча ҳа-лиги беҳаёни кўздан йўқотасиз, ammo ёшларнинг тилига ўша онда юқоридаги тавба калимаси келармикан?! Ана шун-дай пайтларда интернет ҳаётимизга қан-чалик қулайликлар олиб кирган бўлма-син, юқоридаги каби «ахлоқсизлиги» би-лан олиб келган барча яхшиликларини ҳаёбта қилиб юбориши ҳақида ўқиб қо-ласан киши. Аммо бургага аччиқ қилиб кўрпани ўтга ташлаш гумроҳлик бўл-ганидек, интернетнинг бундай «юзсизли-гини» деб ундан оз йўридан эса эски чо-риққа қайтиш бўлади. Айб интернетда эмас, айб ўша интернетнинг қулғонини бу-раётган, унга беҳаё суратларни, оғизга олиб бўлмайдиган сўзларни, ёлгон-ёшиқ бўхтонларни қуяётган одамда. Демак, ўзимизда... Ўзимизга инсоф берсин!

Яқинда бир газетанинги бош муҳар-рири билан сўхбатлашдик қолдим. Мам-лакатимизда китоб тарғиботи, яхши бўл-ляпти, ammo «Ҳар бир хонадонга бир газета» деган шior ўртага ташланса, балки одамлар янада кўпроқ китоб ў-қиган бўлармикан, деган гапни айтиб қол-ди ўша муҳаррир. Маъқул тақлиф. Чунки га-зета ўқийдиган одамнинг китоб ўқи-шига шаҳсан мен ишонмайман. Бир у-стозимиз: «Газетани ўзини таниган одам ўқийди», деб тўғри айтган эди. Аммо яна бир муаммо шундаки, бизнинг кўпгина га-зеталаримиз ўша «Ўзини таниганларни» ҳам ҳафсалаларини қир қиладиган дара-жада савё эканини тан олишимиз керак. Аслида жамиятда интеллекултар фикрни газета-журналлар шақллантиради. Агар ёлгон маълумот берса, суд олдида жа-воб берсин. Бўлмаса, кўнглимизни ай-тин... Бугун нима учун газеталаримиз-нинг авадлари пасайиб кетган? Чунки га-зетанинги қизиқтирадиган, муштарий бо-ш кўтармай ўқийдиган мавзулар, ахборот-лар, сўхбатлар, мақолалар жуда кам.

Ижтимоий тармоқлардаги битикларга келганда шуни айтиш керакики, улар ис-таса-истасам тарихни босма нашр-лар дарж этади. 1916 йилнинг 9 авгу-стида Тошкентга келган «Вақт» газе-тасининг муҳбири Шохид Мухаммадёров: «Мардиқорлик эри уясига чўп сўққандек келди. Туркистонда бамисли ўр парзга келди. Халқ бош кўтариб, ён-атрофга қаради. Бу Туркистон учун чинакам 1905 йил бўлди... Туркистон бирдан ўн сакки-зинчи асрдан йигирманчи асрга кирди, десак, янглишмаймиз», — деб ёзган эди. «Вақт» газетаси Туркистоннинг энг фожи-али кунларини тарихда қолдирганини эъ-тироф этмасдан илоҳимиз йўқ. Шундай экан, ўзбегимнинг куниндан бир кун қол-ғунга ош е, дейдиган кишиларни қаторида куниндан бир кун қолғунга қўлида газета ушлаб яшашни истовчилари ҳали бор.

Уттан асрини 90-йилларида бўлса ке-рак, устоз ёзувчимиз Шукур Холмирза-ев «Адабиёт ўладими?» деган катта мақо-ла ёзган эди. Унда адимизнинг адабиётнинг тўз масалалари ҳақида фикр юритиб, кей-инги вақтда матбуотда ҳам, радио ва ҳат-то бундай мимшиш Фарбинг энг ривожлан-ган мамлакатларида ҳам йўқ эмаслигини ёзганди. Ва ўшандай шароитда ҳам ўша Фарбу Шарқа баъзан-баъзан яхши асар-лар чоп этилаётгани, ammo «Ўзимизда — бу «бозор» сари илдам кириб бораётган жамиятимизда эса ўшандай асарлар яратил-маётгани кундек равшан», деб қайргун эди. Шукур ақанинги юқоридаги фикрларини бугунги кунда ҳам тўласинча газетачилик соҳасига-да татбиқ этилса, ҳеч хато бўл-майдик. Айни пайтда «адабий муҳбирлар-нинг» ҳам роса пўстағини қоққан эди, ўша мақоласида гўринг нурга тўлгур Шукур ака. Газетани эса адабий муҳбирлар эмас, ҳақиқий журналистлар яратадди. Ҳа, яра-тади. Газетанинги ҳар бир сони ўқувчининг қалбини ишғол қила оладиган ўзига хос бир қудратга эга асар бўлиши керак. Агар шунга эришолсак, Газета ўлмайди.

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбек тилини ҳақоратлаган фуқаро жазоланди

Фуқаро Дониёр Якубов Тойлоқ туман ҳокимлиги маданият бўлимида ишлаб келса-да, 2020 йил 15 майда Facebook ижтимоий тармоғида «Халқ фикри» номли гуруҳда ўзининг профилидан ўзбек тили ва миллитини камситишчи фикрларни қолдирган эди. Ушбу ҳолат юза-сида аниқлик киритиш мақсадида ИИБ ходимлари унинг уйига бораган вақтида у ИИБ ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмай, қаршилик ҳам кўрсатган.

Самарқанд шаҳар маъмурий суди раиси Ориф Пардаевнинг ёзишича, Д.Я.га нисбатан тўпланган иш 2020 йил 18 май кунги очик суд мажлисида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 42, 194-моддаси 1-қисми ва 195-моддалари билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланиб, озодликдан маҳрум этилган.

Кўриқланмайдиган прокуратура

«Сирдарё вилоят прокуратураси ўз биноси олдидаги темир панжараларни олиб ташлади. Унинг ўрнига одамлар учун айёон қурилди. Прокурорлар одамлардан кўрқмай-диган бўлди. Прокурорлар одамлардан ўзини кўриқламайдиган бўлди. Тасанно!» — дея хабар қолдирган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ҳалима Худойбердиева номидаги ишар мақтаби директори Мухаммад Исмоил ўзининг Facebookдаги саҳифасида.


Халққа хизмат қиладиган давлат идоралари суд, прокуратура, ҳокимият, вазирликлар умуман панжара билан уралмаслиги керак. Бу каби ҳокимиятларнинг қуролланган ички ишлар ходимлари билан қуриқланиши, оддий халқнинг эса амалдорлар олдида қириш учун кун бўйи сарғайиб туришини ижтимоий тармоқ ахли қоралаган. Ҳамма амалдорлар сирдарёлик прокурорлардан ўрнат олсин, дея уларни алқаб, юзлаб ишларни қолдирдилар.

Жаббор РАЗЗОҚОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

МАТБУОТ – ҳаётини эҳтиёж

Баъзан суҳбатдошинга кам савол берасан-у, ammo жуда кўп саволларга жавоб оласан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Истиқлол» нашриёти бош муҳаррири Жаббор Раззоқов билан узоқ суҳбатимиз ҳам шундай кечди: кам саволларга кўп жавоблар.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Жаббор Раззоқовнинг ўзбек матбуотида ўз ўрни ва сўзи бор. Аниқроғи, у киши узоқ йиллар «Тонг юлдузи» ва «Туркистон» газеталарига бош муҳаррирлик қилиб, матбуот қандай бўлиши кераклигини кўпчиликка исботлаб қўйган инсон.



– Жаббор ака, суҳбатимиз аввалида бугунги ўзбек матбуоти ҳақида ўз фикр ва муносабатингизни билдирсангиз.

– Кейинги уч-тўрт йилда газета-журналлар ўзгарди. Ammo афсуски, ҳаммаси эмас. Ҳалигача бугунги давр талабини тушунаётганлар, номингагина газета чиқариб юрганлар ҳам бор. Газета-журналнинг дизайнидан тортиб, мазмун-мундарижасига ўзгартирилмас экан, ўқувчиларни жалб қилиб бўлмайди. Умуман, бугунги матбуотнинг камчиликлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Одатда, биз, байрам арафасида соҳадаги ютуқларни тила олиб, яхши гапларни айтишга ўрганиб қолганмиз. Тўғри, буюм зарур. Ammo хато ва камчиликлари ҳам назардан четда қолмаслиги керак-да. Охириги пайларда қуруқ танқид қилишга ўрганиб қолдик. Масалан, уй-жойлар қурилиб бўлгач, уларнинг сифатсизлиги ҳақида ёзамиз. Ёки «қушда кўмир тақчиллиги туфайли одамлар қийналяпти», деймиз. Лекин бирорта журналист қурилиш майдонига бориб, жараён қандай кечаётгани билан қизиқиб кўрмайди. Ҳеч ким Ангрендаги кўмир конига бормайди, масъуллар билан суҳбатлашмайди. Нега?

Чунки бугун матбуот ходимларининг узоқроқ ҳудудларга хизмат сафари билан чиқishi, жараёнларни жойида кузатиш, таҳлил қилиш ҳолати деярли йўқ. Масалан, Қорақалпоғистонда Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. У ерда жуда катта ҳажмда ишлар қилинди. Лекин шуни Устюртнинг +40 даражали иссиқда ёки -50 даражали совуқда би-р журналист бориб, газетанда ёритди?

– Ҳақсиз! Ammo ходимни хизмат сафарига юбориш тахририятнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ. Ҳозирги кунда аксар газеталарнинг молиявий аҳволи эса ўзингизга яхши маълум.

– Тўғри, газеталарга осон тугиб бўлмайди. Лекин Алламжонов раҳбарлик қилаётган фонд шундай ишларни, ташаббусларни амалга оширса бўлади-ку? Улар эса газеталарни қўллаб-қувватлаш ўрнига «босма нашрлар умрини ўтатиб бўлади...» деб «башорат» ҳам қилишди. Жуда кўпчилик бу бўлавермади фикрга қарши чиқиб, куйинчилик билан муносабат билдирди. Афсуски, айрим муҳаррирлар, ўзига юқори баҳо берадиган журналистлар «қимирлаб ҳам қўйишмади». Майли, ҳаммаси уларнинг виждонига ҳавола. Агар даврий нашрлар керак эмас, уларнинг ўрнини электрон нашрлар эгаллаб бўлди, деб қараб туверасек, босма нашрларнинг «қилиши» аниқ Тўғри, ҳозиржавобликда, тезкорликда электрон нашрларга этиб бўлмайди. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Ўша нашрларда кўпроқ хабарлар, санъаткор ва спортчилар билан суҳбатлар берилади. Ахир, журналистика факат хабар ва суҳбатлардан иборат эмас-ку? Қанчадан-қанча турли жанрлар бор. Нега улардан фойдаланилмайпти? Ё уларни унутдикми?

Аудитория йиғиш учун «... пичоқ урди, ... тугиб қўйди, ... қотиллик содир этилди» каби мазмунда берилаётган турли хабарлар одамнинг эъсанисни қотиради. Яна ўша қисқачина «маълумот»нинг «Фалон жойдан «фалон» учун махсус тайёрланди», деб берилиши кулгули...

Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, хат-саводимиз, тилимизнинг қай аҳволга тушиб қолганини кўриб, «дод» деворинг келади. Агар босма нашрлар «ўладан» бўлса, янада аянчли аҳволга тушиб қолишимизни тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам босма нашрлар яшаши керак.

– Ҳўп, яшашда давом этиш учун нималар қилиш лозим?

– Кўп нарса. Аввало, қандай мавзуларни ва уларни қандай ёритишни билиш керак. Ва албатта, журналистлар журъатли, қалами ҳам қадимдан ўз чакнайдиган бўлиши шарт. Ҳурмат-этибор берилмайди, олинади. Мақтанишга йўманг-у, бир вақтлар «Туркистон» газетаси кўшни давлатлар раҳбарлари – Қозоғистон ва Туркменистон Президентлари билан суҳбатлар уюштирган. Тахририятга ўша вақтдаги Бош прокурор Бўристов Мустофоев, Ички ишлар вазир Зокиржон Алматов, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирлари ва яна бошқа соҳалар раҳбарлари келишиб, икки соат мобайнида газетхонлар билан мулоқот қилган. Муржаат ва саволларга жавоб беришган. Ҳозир-чи? Ҳозир келиш у еқда турсин, юборилган хатларнинг айримларига тайинли жавоб ҳам ололмайсиз.

– Кадрлар кўп нарсани қил қилади», деган гап бор. Ҳақиқатдан, билимли ва малакали кадрларга кўп нарса боғлиқ. Журналистикада кадрлар иختисослашуви, «суз-шоғирд» анъаналари жудаям муҳим. Афсуски, бу масалаларга кейинги йилларда кўпма кўп эътибор берилмапти. Масалан, ҳозирги кунда халқаро мавзуда ёзадиган журналистлар йўқ ҳисоби. Бир йили халқаро журналистика факультетининг раҳбаридан «Мана факультет оқиллигини ҳам 20 йил бўлди, халқаро мавзуда ёзаётган кўзга кўринган сиёсий шарҳловчи

қилдикми?», деб сўрадим. У индамади...

Журналист кадрларни тайёрлашга юзак қарамаслик керак. Журналистикага вилоятлардаги олий ўқув юрталарида ўқитиш ўзини оқламайди. Биринчидан, уларга қиллар сабоқ беради? Энг муҳими, улар қаерда амалиёт ўтайди, қайси ижодий муҳитда қайнайди? Ўзи шундоғам туман газеталарининг кўпчилиги биноси йўқлигидан уй шароитида чиқаётган бўлса, ҳамма вилоят газеталарининг аҳоли ҳам мақтаётган даражада бўлмаса... Менимча, бўлажак журналистлар пойтахтда ўқиб, шу ердаги ижодий муҳитда пишиши керак.

Газета-журналларнинг савияси ва давомийлиги муассисларга ҳам боғлиқ, албатта. Агар муассис ўз наشريга этибор бермаса, ходимларга ҳаммуҳим қилмаса, тахририятга тармоқдан, соҳадан четга чиқishiга рухсат бермаса, қийин бўлади. Афсуски, ҳозирги пайтда кўпгина муассислар ўз нашрларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Айрим нашрларнинг қандам икки-учталаб муассислари ҳам бор, ammo натижа йўқ. Агар бу масалага, бу муаммога маънавият-маърифатга, ватан ва халқ келажагига бурчлилик, дахлдорлик ҳисси нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, муассисларни ҳеч бир сўз билан оқлаб бўлмайди. Бугунги кунда муассиснинг «оғзи» ва «қили»га қараб қолиш ярамайди. Харажат қилиш керак. Тахририят фақат қизиқарли, долзарб мавзулардаги таҳлилий мақолалар билан газетхонлар сонини кўпайтириб, ўзини ўнглаб олиши мумкин.

– Маъжбурий обуна ҳақида фикрингиз.

– Маъжбурий обуна – оғрикли масала! Агар халқимиз ва миллатимизнинг эртасини ўйласак, маъжбурий обуна қилиб бўлса-да, ёш авлодга газета-журнал ўқитиш керак. Токи, савод ва савиямиз «ўтлаб кетмасин».

Аслида, маъжбурий обунани ташкил этиб, унинг орқасидан «нон еганларга» бугун у керак бўлмай қолди. Ҳеч бир мактабда ўқувчилар болалар ва ёшларга мўлжалланган нашрларга ўзлари обуна бўлмайди. Улар ота-оналар кўмаги (пули) билан обуна бўлади. Шундай экан, обунани тиклаш керак. Токи, болалар ва ёшлар Интернетдаги бўлавермади нарсаларга берилаётган кетмасин! Ҳозир мактаб ўқувчиларининг аксариятида телефон бор. Ўша битта телефоннинг пулига қанча газета-журналга обуна бўлиш мумкин?

Тан олиш керак, обуна мавсумини «сабрсизлик» билан кутадиغان, уни «томорқага» айлантириб олганлар ҳам бор. Улар обуна пулининг маълуми бир қисмини чўнтакка уради. Улар учун ватанпарварлик, маънавият-маърифат деган гаплар фақат қотғозда. Ўзи, ўша «томорқачи»ларнинг пайдо бўлишига ҳам маъжбурий обунанинг «нонини еганлар» сабабчи. Йўл-йўриқчи, «фоз, келишуви»ни ўргатган маслаҳатчилик ҳам ўшалар. Охири шу даражага борилдики, фермерлар, ўқитувчилар ва бошқа соҳа вакиллари турли газета-журналларга маъжбурият обуна қилинди. Лекин йил давомида газета-журналларнинг бетини кўрмаганлар ҳам кўп бўлди. Ҳалиям бўлса, обунани ташкиллаштириш керак. Ammo «мен обуна бўлган нашрлар қани?» деб сўраб-суриштириб, «томорқачи»ларга «нон» қолдирмаслик керак. Шундагина обунани ҳам, тахририят ҳам зарар кўрмайди.

– Болаларни ва ёшларни маъжбурият бўлса-да обуна қилдириш керак, дейсангиз. Бу – кўпчиликка ёқадиган гап эмас...

– Маънавиятга сарфланмасдан тежаб қолинган бир сўм – келажакда миллиардлаб сўмлик зарар келтиради. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиги ёшлардан иборат. Уларга жуда катта этибор ва ҳаммуҳим қилинмоқда. Ёшлар иттифоқи тикланиб, унга катта этибор ва имтиёзлар берилади.

Лекин амалда-чи? Ёшлар наشري бўлмиш «Ёшлар овози» газетасининг ярим йилдан буюн чиқаётганини қандай тушуниш мумкин? Нахотки, бу газетанинг тақдирини мавзу ва масъулларни қизиқтирмайди? Ахир, муассисларнинг ҳам қўнчиликда белгилаб қўйилган ҳужуқ ва маъжбуриятлари бор-ку?

Болаларга мўлжалланган нашрлар – «ғунча», «Гулкан» ва «Тонг юлдузи»нинг аҳоли ҳам ҳеч қимми қизиқтирмайпти. Айниқса, ҳозирги пандемияга қарши, тезкорлик, ҳозиржавоблик йўқоляпти. Эсласангиз, илгари эрталаб соат 7:00 да ҳамма «киоск»ларда газета-журналлар бўларди. Энг чекка ҳудудларга ҳам газеталар соат 12:00 гача этиб борарди. Кейинги йилларда нашрларни жойларга етказиш тизими издан чиқди. Агар тизим ўнганмаса, ҳамма нарсани маблагга тақайверсак, оқибати оғир бўлади.

Эрталаби нонуштада ҳар кун бир хил нарса емасиз, тўғрими? Шу маънода матбуот нашрларининг мазмун ва мундарижаси ранг-баранг бўлиши лозим, бир-бирини тақорламасин. Токи, одамлар ҳар кун эрталаб «маънавий нонушта» қилсин!

– Айтганингиз келсин!

Суҳбатдош:
Алижон
АБДУРАҲМОНОВ

Дилдаги гаплар



Байрамдан кейин ҳам ҳаёт давом этади

Журналистлар кунини сифатида нишонланаётган байрам боболаримиз мустамлака даврида, яъни 1906 йилнинг 27 июнида чиқарган биринчи миллий газета – «Тараққий» билан боғлиқ эски ҳақида халқимиз секин-аста хабардор бўлмоқда. Лекин бу наشري маслага, жадидлар кўтарган масалалар, газетанинг қисқа фурсатда ёпилиш сабабини ҳамма биланвермайди. Бунини қисқача иқтибосда изоҳлаймиз:

«Газетамиз «Тараққий» номида ўлиб, бора-бора жисми ва исмига мувофиқ ўлиб миллатимизни кейин қолмоғига, жаҳолат ва фафлати олийда ўлиб, бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғига асло рози эмасмиз... газетамизнинг нажотимизга, дунё ва охирагата масъуд ўлмоқимизга ёлғуз илм бобидур, демак биринчи вазифадур... миллат манфаатига хизмат этмак замон, тортган меҳнат, кўрган заҳматларидан қутуладургон замон бу замон...»

Бу газета тахририятининг мақсади битилган мақоладан парча. Ана шу норозилик ва муносаб ҳаракатлар боис унинг «умри» қисқа бўлган. 1906 йилнинг 21 августда тахририятда чор полицияси тинтув ўтказиб, газетанинг 20-сонини мусодара қилди ва муҳарририни қамоққа олади...

Албатта, мустамлака сиёсати-но зугумини бугунги ҳурлик насимлари билан қийслаб бўлмайди. Ammo чор зулми остида эзилган бобоюрналистлар фикрлари бугун мустақил бўлсак-да, долзарб. Озод бўлсак-да, биз ҳам миллатимизнинг бошқалардан кам бўлишига рози эмасмиз! Нажотни илм-маърифатда деб билемиз биз ҳам! Миллат манфаати учун хизмат қилиш бугунги замоннинг ҳам талаби эмасми?

Ўзбекистонга назари фарбона (со-вуқроқ) бўлса-да, «Чегара билмас муҳбирлар» халқаро нодавлат ташкилотининг 2020 йил учун жаҳон матбуоти эркинлиги индексидан 180та мамлакат ичида 156-ўринда эканлиги, муаммоларни тўлиқ ёритолмаётганимиз, заифлигимиз, иттифоқсизлигимиз, баъзи ижро ҳокимияти вакилларининг беписанд, баъзида қўпол муносабати касб байрамимиз кувончига соя солмоқда.

Бугуннинг айрим «донор»лари газеталарга кафан бичаётган фурсатда фикр айтиш, муносабат билдириш анча ривожланганини тан олиш адолатдан бўлади. «Ишонч», «Маърифат», «Жамият», «Хуррият», «Оила даврасида» газеталари, «XXI аср» каби партия нашрларида кўтарилаётган муаммолар кўлами фикримизга далил бўлади.

Бу ҳолат давлатнинг биринчи шахси қанчалик билан боғлиқ эканлиги яхши биланми. Энди чукор таҳлилни, ҳолис танқидни қучайтиришимиз, бунинг учун журналистларнинг янги авлодини тайёрлашимиз зарур.

Бугунги авлод 90-йилларда шаклланган журналистлардан тубдан фарқ қилади. У мустақиллик арафаси ва ҳурриятнинг илк йилларидаги каби ҳам маош билан жонини хавфга қўйдиган катта авлодга ўхшамайди. У ўзининг иқтисодий ривожига хизмат қиладиган, яъни капиталистик жамият фукароси сифатида ҳар бир қадимини ўлчаб, ҳисоблаб, ўйлаб қўя бошлади. Уларга «ёшулли» журналистларнинг қуруқ ватанпарварлик шорларни тасвир қилмаётти.

Демак, янги авлоднинг матбуотга жалб этиш учун иқтисодий асосини қучайтириш керак. Ўзбекистон саноатлашиб, ишлаб чиқарши ривожланганга қадар бу ишда давлатнинг грантлар кўришидаги (чет эллардаги каби) қўмақлари зарурлигини яна бир бор эслатмоқчимиз.

Ахборий жамият матбуоти назарияси талабидан келиб чиқадиган бўлсак, қонунлар ижросини таъминлаш (аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга қарши кураш, демократик тамойилларни тарғиб этиш ва ҳ.к.), сиёсий-ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш нуқтаи назаридан тахририятларга давлат Олий Мажлис номида грантлар асосида буюртма бериши керак, деган фикрдамыз.

Унда қонунлар ва улар асосида қабул қилинган Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳоқиятини муштарийларга тушунарли тилда шарҳлаб берилиши билан бир қаторда бу ҳужжатларнинг ижроси бўйича доимий равишда журналист суриштирувлари ўтказилиб, муаммолар мунтазам муҳокамага олиб чиқилиши зарур. Бу жамиятда шаффоқлиқни таъминлайди, аҳоли фикр билдиради, энг асосийси, ўз муносабати билан ислоҳотларда иштирок эта бошлайди, оқибатда тараққиёт кушандаси – коррупциянинг қамқоғи бўлади.

Давлат раёнқини, халқ фаровонлигини ўйлашга масъул уч ҳокимият тўртинчи ҳокимият ривожидан, эркинлигидан манфаатдор бўлмас экан, коррупция паллагини ёйиб, жадидлар айтмоқчи, «миллатимизни кейин қолмоғига, жаҳолат ва фафлати олийда ўлиб, бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғига» сабабини биланвермайди. Агар уч ҳокимиятнинг матбуот ривожидан манфаатдорлиги сезилмаса, унда улар коррупционерлар тарафида, деган ҳулоса ҳам келиб чиқади.

Демак, биринчи қалда журналистларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий қамқоғи таъминланиши фидоий кадрларни тайёрлашга асос бўлади.

Раҳбар кадрларни тайёрлайдиган, малякасини оширадиган муассаса ва академияларда махсус курслар киритилиши ва у мукаммал ўргатилиши ўта муҳим вазифадир. Конституциядаги ҳуқуқий асосга таяниб қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда белгиланган қонунларда бичаётган органлари, жамоат бирлешмалари ва мансабдор шахслари фукаролар қаторида журналистларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таъминлаб чиқиш имкониятини яратиб бериш бўйича маъжбуриятлари тушунтирилиши, ҳижжалаб ўқитилиши, ўқидрилиши, бу борада ўқувларда қатъий яқиний имтиҳонлар олиниши даркор. Акс ҳолда «қовун тушириш» ҳолатлари қаммайди.

Мазкур ўқувларда раҳбарларга журналистлар билан алоқа – матбуот аюкманига тайёрларлик кўришдан бошлаб, ўзини тутиш, саволларга аниқ, қутилмаган правақцион саволларга муносиб жавобларни беришга қўлдан жараёнларни ўргатиш ҳам ўта долзарбдир.

Юртинг халқаро имижини учун бирор воқеа-ҳодиса бўйича тезкор матбуот аюкманлари ўтказиш, тўғри ахборотни биринчи бўлиб дунёга тарқатиш зарурати, аҳамиятини англашлари чекчатириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Бундан ташқари, нашрлар нархини оширадиган қоғоз ва бошқа маъба муҳимотларнинг халқаро биржа белгилайдиган нархларда қучуматнинг захира фонди орқали харид қилиб, бевосита тахририят ва маъба ташкилотларига (бошқача бериш тақдир билан) сотишни йўлга қўйиш зарур (Ҳиндистон тажрибаси). Бунда сиёсатда дахлдор бўлган матбуот сабаб бозор талаблари бузилса, иқтисодимиз зарар кўрмайди. Қолаверса, олиб-сотарлар бу «тадбиркорлик»дан кетиб, юрт қорига ярайдиган ишлаб чиқаришга киришади. Давлат ҳам ютади, газета-журнал қоғози нархлари бир меъерга тушади, бундан муштарий ҳам, тахририят ҳам жабр чекмайди.

Даврий матбуотини тезкор тарқатиш йўналишидаги камчиликларни бартараф этиш ҳам ўта долзарб масаладир. Алоқачиларнинг тасарруфидида «Ўзбекистон почтаси»ни «Янги Ўзбекистон» ёки «Ишонч» каби газеталар тахририяти иштироғига ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш масаласини ҳам кўриб чиқиш вақти етди, фикримизда. Негаки, матбуот тарқатиш тизими ривожидан кўпроқ босма нашрлар манфаатдордир.

«Байрамда муаммолар гапирма» дейсизми? Касб «касалиги» учун, узр! Ахир, эртанга ҳам ҳаёт давом этади-да...

Бу кун миллати раванқини ўйлаб қалам тебратадиган, фикр тарқатаётган, матбуот ҳаётининг ажралмас қисмига айланган ҳар бир эълининг байрамидир. Айемингиз муборак, азизлар!

Давлат раёнқини, халқ фаровонлигини ўйлашга масъул уч ҳокимият тўртинчи ҳокимият ривожидан, эркинлигидан манфаатдор бўлмас экан, коррупция паллагини ёйиб, жадидлар айтмоқчи, «миллатимизни кейин қолмоғига, жаҳолат ва фафлати олийда ўлиб, бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғига» сабабини биланвермайди. Агар уч ҳокимиятнинг матбуот ривожидан манфаатдорлиги сезилмаса, унда улар коррупционерлар тарафида, деган ҳулоса ҳам келиб чиқади.

Демак, биринчи қалда журналистларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий қамқоғи таъминланиши фидоий кадрларни тайёрлашга асос бўлади.

Раҳбар кадрларни тайёрлайдиган, малякасини оширадиган муассаса ва академияларда махсус курслар киритилиши ва у мукаммал ўргатилиши ўта муҳим вазифадир. Конституциядаги ҳуқуқий асосга таяниб қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда белгиланган қонунларда бичаётган органлари, жамоат бирлешмалари ва мансабдор шахслари фукаролар қаторида журналистларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таъминлаб чиқиш имкониятини яратиб бериш бўйича маъжбуриятлари тушунтирилиши, ҳижжалаб ўқитилиши, ўқидрилиши, бу борада ўқувларда қатъий яқиний имтиҳонлар олиниши даркор. Акс ҳолда «қовун тушириш» ҳолатлари қаммайди.

Мазкур ўқувларда раҳбарларга журналистлар билан алоқа – матбуот аюкманига тайёрларлик кўришдан бошлаб, ўзини тутиш, саволларга аниқ, қутилмаган правақцион саволларга муносиб жавобларни беришга қўлдан жараёнларни ўргатиш ҳам ўта долзарбдир.

Юртинг халқаро имижини учун бирор воқеа-ҳодиса бўйича тезкор матбуот аюкманлари ўтказиш, тўғри ахборотни биринчи бўлиб дунёга тарқатиш зарурати, аҳамиятини англашлари чекчатириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Бундан ташқари, нашрлар нархини оширадиган қоғоз ва бошқа маъба муҳимотларнинг халқаро биржа белгилайдиган нархларда қучуматнинг захира фонди орқали харид қилиб, бевосита тахририят ва маъба ташкилотларига (бошқача бериш тақдир билан) сотишни йўлга қўйиш зарур (Ҳиндистон тажрибаси). Бунда сиёсатда дахлдор бўлган матбуот сабаб бозор талаблари бузилса, иқтисодимиз зарар кўрмайди. Қолаверса, олиб-сотарлар бу «тадбиркорлик»дан кетиб, юрт қорига ярайдиган ишлаб чиқаришга киришади. Давлат ҳам ютади, газета-журнал қоғози нархлари бир меъерга тушади, бундан муштарий ҳам, тахририят ҳам жабр чекмайди.

Даврий матбуотини тезкор тарқатиш йўналишидаги камчиликларни бартараф этиш ҳам ўта долзарб масаладир. Алоқачиларнинг тасарруфидида «Ўзбекистон почтаси»ни «Янги Ўзбекистон» ёки «Ишонч» каби газеталар тахририяти иштироғига ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш масаласини ҳам кўриб чиқиш вақти етди, фикримизда. Негаки, матбуот тарқатиш тизими ривожидан кўпроқ босма нашрлар манфаатдордир.

«Байрамда муаммолар гапирма» дейсизми? Касб «касалиги» учун, узр! Ахир, эртанга ҳам ҳаёт давом этади-да...

Бу кун миллати раванқини ўйлаб қалам тебратадиган, фикр тарқатаётган, матбуот ҳаётининг ажралмас қисмига айланган ҳар бир эълининг байрамидир. Айемингиз муборак, азизлар!

Ҳалим САИД,
«Олтин қалам» миллий
мукофоти совриндори



Давлат бошқарувида одамларни рози қилиш – уларнинг фикрлари, талаб ва истакларини инобатга олиш билангина амалга ошади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган четлик сиёсати бу эҳтиёжни юзага келтирди. Давлат раҳбари 2017 йил 22 декабрь кўни Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунлар муҳофазатига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, интернет тармоғида «майдон» яратилиши зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу истак ҳосиласи ўлароқ, 2018 йил 20 апрель кўни интернет тармоғида «Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар веб-портали иш бошлади. Таъкидлаш керакки, портал кўпчиликда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг жамоатчилик талаби билан кўриб чиқилишига умид ва ишонч уйғотди.

налар ҳам йўқ эмас (улар ичида ижарада яшайдиганлар ҳам бор!). Энди кунлик чиқимни ҳисоблаб кўраверинг...
Агар ҳар кўни соатлаб ижтимоий тармоқларга кетказётган вақтимизнинг 2-3 дақиқасини порталга сарфлаб, бу мурожаатларни кўлаб-қувватлаганимизда, қанчадан-қанча илм истовчиларга ёрдам берармидик... Давлатга ҳам зиён бўлмасди, бизнингча. Чунки, болалар кўп ўқиса, баркамол бўлади, аҳолининг камбағаллашуви камайди.
Ватандошларини ўйлаган фидойи ҳамюртларимиз, жамоат транспортларини кондиционерлар билан жиҳозлаш, кечалари ички йўллари ёритиш каби ҳаётий масалаларни кўтарди. Лекин кўпчилигимиз кимнингдир кўнгли учун ҳам босадиган «лайк»ларимизни қизгандик...
«Катталар» эса 10000 овоз тўплансагина буни кўриб чиқардик, ҳозирча бошқа ишларимизни қила турайлик», дейишди, ҳойнаҳой, бу масалалар ўз жойида қолиб кетди...

Таҳлил
Хужжатда ижроси юклатилган одамлар бу қарорни унутдимми? Нега халқ Президент қарорининг ижросини таъминлаш учун 10 000 овоз йиғиши керак?! Бундан чиқди, мурожаат етарли овоз йиғмаса, кун тартибидан олиниб, ғоялар қозғоғда қолиб кетадими?!
Яна бир мисол. 2020 йилнинг 8 март кўни Умид Икромовнинг «Автотранспорт воситасининг сууртаси йўқлиги ёки техник кўридан ўтмаганини туфайли жарима майдонига кўйиш амалиётини бекор қилиш ҳақида»ги жамоавий мурожаати порталга жойланди ва бир кўннинг ўзида (рекорд даражада) 10 000 дан ошди (13016 та) овоз тўланди.



Табиат огоҳликка чорламоқда. Биз эса...

Шу кунларда Ер юзининг барча бурчакларида ҳаво ҳароратининг исиб бориши кузатиляпти. Ҳатто Россиянинг энг шимолӣ, совуқ ўлкасида ҳам ҳаво ҳарорати 38 даражага чиқиб кетди.

Италиядаги Презена музлиги 1993 йилдан бери жадал эриб, ўз ҳажмининг учдан бирини йўқотди. Табиат ҳуқуқчилари музлик эришини секинлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу мақсадда музлик кўп йиллардан бери оқ рангдаги брезент билан қоплаб келинади. Шу тариқа кўпроқ қор ва музлик майдонни сақлаб қолинади. Австриядаги тоғларда ҳам Италиядагидан анча кўпроқ майдонни қамраб олган шунга ўхшаш қоплаш тизимлари мавжуд. Демак, иқлим ўзгармоқда. Боз устига, Сибирь, Европа, Америкадаги ўрмон егинлири ҳақида ваҳимали, айни чоғда афсусланарли хабарлар тарқалмоқда.

Италиядаги Презена музлиги 1993 йилдан бери жадал эриб, ўз ҳажмининг учдан бирини йўқотди. Табиат ҳуқуқчилари музлик эришини секинлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу мақсадда музлик кўп йиллардан бери оқ рангдаги брезент билан қоплаб келинади. Шу тариқа кўпроқ қор ва музлик майдонни сақлаб қолинади. Австриядаги тоғларда ҳам Италиядагидан анча кўпроқ майдонни қамраб олган шунга ўхшаш қоплаш тизимлари мавжуд. Демак, иқлим ўзгармоқда. Боз устига, Сибирь, Европа, Америкадаги ўрмон егинлири ҳақида ваҳимали, айни чоғда афсусланарли хабарлар тарқалмоқда.

рид эса 200 йилгача сақланиб қолади. Иқлим ўзгаришлари тадқиқотида агар жорий йил охиригача карантин чекловлари сақлаб қолинадиган бўлса, йиллик эмиссия кўрсаткичи 7,5 фоизгача қисқариши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Агар бу қисқариш доим шу тахлитда сақланиб қолса, иқлим учун жуда катта янгилик бўлар эди. Пандемия даврида биз дуч келган энг яхши янгилик Ерда зарарли нурларнинг келишига йўл очган, емирилган азон қатламнинг битиши бўлди.

Дунёга ўт кетаётгани, сув босаётгани сабаби нимада? Барча экологик ўзгаришлар, ҳалокатларга инсон омили сабаб сифатида кўрсатиляпти. Сув тошқинларининг аксарияти глобал иқлим иситиши оқибатидир. Афсуски, инсон фаолияти натижасида атмосферага захарли чиқиндилар чиқаришмоқда. Рақамларга эътибор берсангиз, бир кунда жаҳон бўйича 9 миллиард литр нефть ёқилади. Бунинг натижасида ҳаводаги карбонат ангидриднинг миқдори йилга 30 фоизга ортиб бормоқда. Ҳарорат ошиши натижасида музликлар эриди. Музликлар эриганда океан сувининг ҳарорати ва физик хоссалари, океан оқимлари, мазкур оқимларга боғлиқ бўлган мамлакатларда иқлим, глобал гидрологик цикл ва иқлимни яратувчи глобал жараянлар ўзгаради. Оқибатда егинчиликлар амплитудасида катта ўзгаришлар юз бериб, у ўта кўп ёғин ёғиши ёки умуман ёғмаслиги билан белгиланади, курғоқчилик ва тошқинлар сони кўпаяди, табиий офатлар – торнадо, тайфунлар, селлар, кўчкилар юз беради. Бир қарашда, бу анча кўрқинчли бўлиб туялмаслиги мумкин. Аммо Ерда ҳарорат яна 5 даражага кўтарилса, барча жараянлар орқаси қайтариб бўлмайдиган тез олави ва сайёрамиздаги ҳаётга жиддий ҳавф туғилади.

Шунга қарамай, пессимистик башоратлар сақланиб турибди. Айниқса, Париж келишувининг иқлим иситиши ҳар йили 1,5 градусдан оширмаслик шартини бамилар учун ҳам глобал карбонат ангидрид эмиссиясининг йиллик қисқариши 2020-2030 йиллар ораларида 7,6 фоизгача бўлиши кераклиги айтилади. Би-бўйча бу йилги эмиссия қисқариши кўрсаткичи узоқ давом этмайди. Карантин туғаб, одамлар ишга қайта бошлаб, эмиссия кўрсаткичи ҳам ўсади. Бу каби ҳолат олдинги инқирозлардан кейин ҳам, жумладан, 2008 йилги инқироздан сўнг ҳам кузатилян. Табиатга оид яна бир муаммо ўрмонларда содир бўлмоқда. БМТ расмийси берган маълумотга кўра, айни пайтда ўрмонлар пандемия туфайли қисқариб кетиш ҳавфи остида турибди. Миллионлаб камбағал одамлар шаҳардаги ишдан айрилиб, қишлоққа – уйларига қайтишган. «Улар учун асосий хавфсизлик сув, ер ва ўрмонлар билан боғлиқ бўлмоқда», – дейди БМТнинг FAO ташкилоти ўрмон хўжалиги бошқармаси директори Метте Уилки. Унинг маълум қилишича, ҳозирги вазият дарахтларнинг ўтин сифатида оқват тайёрлаш учун ишлатилиш эҳтимолини ошириб юбормоқда. Чунки дунёдаги ҳар учинчи одам ҳамон ўтин оловида оқват пиширади. Натижада 2010-2015 йилларда 32 миллион гектар ўрмон майдони инсон омили натижасида қисқарган. Унутмаслик керакки, биз ейдиган маҳсулотлар, биз нафас оладиган ҳаво, биз ичадиган сув, биз яшайдиган сайёрага ҳаёт бағишловчи иқлим – барчаси табиат туфайли. Устига-устак, ҳозир табиатнинг ўзи бизга ишора қилмоқда – ўзимиз ҳақимизда қайғуришимиз учун, аввало, табиатга ғамхўрлик қилишимиз керак. Ҳозир уйғониш вақти. Муаммоларни пайқаш шундан иборатки, бизнинг ҳаётимизни қўриш учун, овозимизни кўтариш учун. Инсоният учун, Ер сайёраси учун яхшироқ муҳит яратиш вақти. Чунки БМТ Атроф-муҳит дастури маълумотларига кўра, инсон фаолияти Ер кўрриси қуруқлик қисмининг турдан уч қисми, сув ҳавзаларининг учдан икки қисмидаги экологик муҳитни сезиларли даражада ўзгартирган. Сўнгги 150 йил ичида глобал иситиш негизда сув ҳавзаларидаги коралл рифларидан иборат тирек қоплама икки бараварга қисқарган – улар қуриб, рангсизлашиб бормоқда. Дунё океанларининг шўрлини даражаси ортиб борапти. Музликлар катта теълик билан эришмоқда. Бу океан сувларининг ортиши ва сув бўйига яқин ҳудудларнинг сув остида қолиш эҳтимолини оширади, иситилишнинг намликка нисбати бузилишига сабаб бўлади.

Нью-Йоркда ўтказилган саммит бўлди. Жаноб Гутерреш давлатлардан ис газини қандай камайитириш бўйича таклифлар беришни сўради. Британия эса 2020 йил сўнгида иқлим ўзгаришига бағишланган энг муҳим халқаро учрашувга сезбонлик қилиш ва ўзининг сайёрани сақлаб қолиш мақсадида қанчалик қатъий эканини кўрсатиб қўйишни кўзламоқда. Оқибатда кўриши талаб этмоқда. Кўлаб мамлакатларда оқибатдаги фуқаролар сиёсатчиларни ҳаракат бошлашга мажбур эта олган. Америкалик сиёсатчилар мамлакат иқтисодийн иқлим ўзгаришига бутунлай молсоччи «яшил» янги келишув» ғоясини илгари сурмоқда. Бундай ғоя атиги бир неча йил аввал ҳам имконсиздек туйилар эди. Буоқ Британия 2050 йилга қадар атмосферага зарарли газларни чиқаришига буткул чек қўйишга аҳд қилган. Шаҳзода Чарлз эса келаятган 18 ойинг ҳаётий муҳимлигини эътироф этаётган экспертларни кўлаб-қувватлаган. Аммо ҳозирги шартот барчадан бирлашишни, биргаликда ҳаётий чораларни кўришни талаб этмоқда. Албатта, иқлим ўзгариши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарни ҳали ҳеч ким ҳисоблагани йўқ. Аммо аҳвол шу тарзда ривожланса, 2016-2035 йилларда сайёрамизда ҳаво ҳарорати яна 0,3-0,7 даражага кўтарилиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг оқибатда яқин ўн йилликда қиш чилласида ҳарорат 20-30 даража иссиққа кўтарилиши, ёзда эса ҳавонинг совуқ кетишини кузатиш мумкин. Энг ачинарлиси, «иссиқхона эффекти» оқибатида дунё аҳолисини, хусусан, сиз-у бизнинг ичимлик сувимиз бўлган тоғлардаги музликларнинг захиралари эриши натижасида камайиб боради. 1960 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар Ерда қор ва муз қоплами 15 фоизга қисқарди. Иқлим иситиши, яъни ҳаво ҳароратининг глобал ортиси муаммосини бартафари қилиш жуда мураккаб ва зиёфадир. Чунки бу муаммо ҳам «табиат-инсон-жамиyat» муносабатларига, яъни учликнинг мувозанатига, уйғун ривожланишига боғлиқ. Ушбу мувозанат йўллари топши ва уни сақлаш учун аҳоли, давлатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигига эришиши, муқобил энергия манбаларига ўтиш ва уларнинг самардорлигини ошириши, экинзорлардан, айниқса, шоплоялардан метан газининг ажралиб чиқилиши камайитрадиган технология ва усуллари эришиши, уй-жой ва биноларни иситишда тежамкор, экологик талабларга жавоб берадиган усуллари жорий этиш, ҳар бир инсонда экологик маданиятни шакллантириш каби вазифаларга эришиш лозим.

Хўш, жаҳон ҳамжамияти муаммо туғунини ечиш учун нима қилаяпти? Чораларни ишлаб чиқиш йўлидаги илк қадам БМТ Бош Котиби Антони Гутерреш ташаббуси билан

лан 2019 й и л сентябрда

Абдували АСОИБНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи

«МЕНИНГ ФИКРИМ» ҲАҚИДА ФИКРЛАР...

Ёхуд жамоавий мурожаатлар портали «фикрлар майдони»га айлана олдимми?

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ТАЛАБИ БИЛАН!

Айнан портал орқали жамоатчилик сиртки таълим шаклида тахсил олувчи талабаларнинг тўлов-контракт суммалари камайитрилишига, катта кўчаларга вақтни тескари қисқайтиришга (светафор)ларнинг (барча кўчаларга ўрнатилмаган бўлса-да) ўрнатилишига, шахсий автомобилларнинг ойналарини қорайтиришга (аҳолининг умумий даромадига тўғри келмас-да, бугунга қадар бахшлар давом этаётган бўлса-да) руҳсат берилишига, дарахтлар кесилишининг маълум маънода олдини олишга, Қарши давлат университетининг Шаҳрисабз филиалини ташкил этишга, ҳайвонларга шафқатсиз муносабатга (гарчи, бу йўналишда қатор муаммолар мавжуд бўлса-да) чек қўйилишига, автотранспорт воситасида фойдаланишда яқин қариндошлар учун ишончнома олиш тизимининг бекор қилинишига эришиди.

Демак, оз бўлса-да натижа бор. Бу учун раҳмат, «Mening fikrim»!

Ўз уйингиз бўлишини хоҳламайсизми, мактабда ўқийдиган фарзандларингизнинг жамоат транспортида бепул юришини-чи? (Порталга шундай мурожаатлар жойландики, бизнингча, аҳоли бундан етарли хабардор бўлмагани учун қозғоғда қолиб кетди)

Ўз уйи бўлишини орзу қилмайдиган одам бўлмас керак. Лекин, даромаддан кўра харажат кўп замонда бу осон эмас. Бу саволинг юқини маошининг асосий қисминини ижарадаги уй учун тўлаб, қолганини нимага етказишни тез-тез ўйлаб яшайдиган одамлар яхши тушунади. 2018 йил 8 май кўни Юсуф Элуқоловнинг «Mening fikrim» порталига жойланган жамоавий мурожаати айни шу тоифадаги минглаб одамлар дардини кўтарган эди.

Ю.Элуқолов тижорат банклари маблағлари ҳисобидан пойтахтимиз, вилоятларнинг маъмурий ва йирик санаот марказларида ижарачилар учун кўп қаватли уйлар қуриш ва уй тўловлари тўлаб бўлингач, эгалари номига расмийлаштириб беришни назарда тутган эди.

Муаллим, биринчидан, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини бозор механизмлари асосида қоплашни ва бу орқали уй-жой бозоридидаги нархларни барқарорлаштиришни тақлиф қилган эди.

Агар бу мурожаат етарли овоз тўпланганда қанчадан-қанча одам уй тўлиб, давлатга раҳмат, Яратганга шукрона айтармиди?! Энг муҳими, ижара пуллари кўлдан «чўнтакка эмас («яширин иқтисод» дермиди?..) бюджетга даромад сифатида кирим қилиниши аниқ эди.

САВОЛ УСТИГА САВОЛЛАР...

Аслида, биз масалаларни улар кўтариши керак эмасмиди?

«ОВОЗ» БОР-У, ИСТАК ЙЎҚ

Порталда 10 000 та овозни бир зумда йиғиб ташлаган мурожаатлар анчагина. (Низом талабларига кўра, жамоавий мурожаат умумдавлат миқёсида бўлса 10 000, маҳаллий миқёсда бўлса 5000 овоз йиғиши керак) Масалан, Анваржон Дехқоновнинг «мобил қурилмаларнинг IMEI кодларини рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш ҳақида»ги мурожаати 24 мингдан зиёд овоз тўплади. Бу бўйича чақарилган қарор эса жамоатчиликни қондирмади.

«Жамоат транспортлари қорайтириш ҳақида»ги мурожаат, ҳам 14000 дан зиёд овоз йиққанига қарамадан, амалда автобус мусаффо ва шафқатли билан ҳаракатда.

«UZAUTO MOTORS» АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларни четдан олиб киришда бож тўловларини бекор қилиш ҳақида»ги мурожаат ижтимоий тармоқни «портлатди».

Аслида, бу мурожаат эмас, кўпроқ давлатдан ўз ҳақини ўтганиб, илтимос қилишга ўхшайди. Лекин ижтимоий тармоқда минглаб одамлар «ёпилиб кетишини» сўраётган, Президент доимий эътироз билдириб келаятган монопол акциядорлик жамиятига бу заррача таъсир қилмади.

Уйлаб ҳам кўришмади – бу мурожаат ортида нима ётибди, наҳот, шу даражага келди, деб? Гўёки мурожаат зирҳланган танкага кетмон билан бир туширишдек гап бўлди. Аксиз солиғи камайитрилиб, утилизация солиғи жорий қилинди. Монополининг раъйига қараб, оёқ учиде секингина юриб турган хоржилик автосотувчилар яна нархни ошириш устида ўйлашга мажбур бўлди.

«...ШУНЧА БЎЛАРМИ ҲАЙ, ҲАЙ...» «Meningfikrim.uz» порталига шундай жамоавий мурожаатлар кўйилганки, уларнинг ўткирлигидан эмас, Президент имзолаётган муҳим ҳужжатларнинг ижроси таъминланмаётганидан ўйга толсан киши.

Ҳа, шунчаки ҳам бор. 2020 йил 10 май кўни Муроджон Ҳамроевнинг «Мобил алоқа тармоғи абоненти бошқа тармоққа ўтганда телефон рақамини сақлаб қолиш тартибини жорий этиш ҳақида»ги мурожаати порталга жойланди. Нима бўпти дейсизми? Диққат билан ўқинг.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3724-сон қарорининг 5-бандида «миқозларни мобил алоқа рақамига боғлиқ ҳолда масофадан идентификация қилиш механизмнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида 2018 йил яку

Ҳозирда порталда 3786 та (2020 йил 21 июнь ҳолатига кўра) жамоавий мурожаатлар келиб тушган ва уларнинг 400 дан ортиғи жойланган. Тўғри, хоржи тажрибасида ҳам бу каби платформаларга келиб тушган мурожаатларнинг 15-20 фоиз овоз йиғишга қўйилади.



Дилшод БҮРИЕВ, журналист

САВОЛ: Психоневролог врачлар учун меҳнат таътилининг муддати неча кундан иборат?

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 134-моддасига кўра, ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий, 136-моддасига асосан эса меҳнат шартини ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган, шунингдек, оғир ва ноқулай табиий-иклим шартларида иш бажараётган ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда кўшимча таътиллари берилади.

Кўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллarning муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса – касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, иш берувчи томонидан) Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари тасдиқлаган меҳнат шартини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади.

Меҳнат кодексининг 140-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътиллари жамлашда уларнинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2019-2021 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг 3.7-бандида иш ўринлари аттестациядан ўтказилмаган муассасаларда иш ўринлари аттестациядан ўтказилганга қадар МКнинг 137-моддасига мувофиқ, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг 1996 йил 1 апрелгача белгиланган таътиллари муддатини сақлаб қолиш;

3.8-бандида эса Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорининг 4-8 иловалари ҳамда 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида»ги Низомнинг 2-иловасида келтирилган «Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шартлари ўта хавфли бўлганлиги муносабати билан уларда ишлаш ходимлар тариф ставкаларига кўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган



муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек, лавозимлар рўйхатида келтирилган касб ва лавозимда ишловчиларга меҳнат таътиллари муддати асосий 15 кун, кўшимча таътил муддатини камида 12 кун қилиб белгилаш ва бунга иш ўринлари аттестацияси бўйича ҳулосада белгиланган кўшимчаларни қўшган ҳолда амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Мазкур қоидалар ҳамда иш берувчи «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддаси ҳамда тармоқ келишувининг 6.14-банди талабларига мувофиқ ҳар беш йилда камида бир марта «Иш ўринларини меҳнат шартини ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида иш ўринларининг меҳнат шартини ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиши, унинг натижаларига кўра, 24 иш кунга аттестация натижасида белгиланган кўшимча кунларни қўшиб белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.



САВОЛ: 2012 йилдан буён поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайман. 2019 йил шу поликлиникадан декрет (ҳомилдорлик ва туғиш) таътилига чиққанман. Ҳозирда иккинчи фарзандимга ҳомилдорман. Декрет таътилидан яна декрет таътилига чиқсам, бу сафар ҳам декрет таътили пули тўли тўла-надимми?

ЖАВОБ: Адлия вазирлигида 2002 йил 8 майда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-хатбоши 40-бандида кўра, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

Ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомилда тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ҳодим йиллик (асосий ва кўшимча) ва болани парваришлаш учун таътилда бўлган вақтда ҳомилдорлик ҳамда туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа ҳомилдорлик ва туғиш бўйича таътилининг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги ўн икки ой мобайнида олинган мукофотлар, шунингдек, ижтимоий сугурта бадалига тортилмаган устама, кўшимча ва бошқа ҳақларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Яъни, ўртача ойлик суммаси ҳисоб қилинаётган кундаги тариф ставкасига (лавозим маошига) олдинги ўн икки ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўн иккидан бири қўшиб ҳисобланади. Мисол учун, ҳисоб кундаги лавозим маоши бир ярим миллион бўлса, унга ўн икки ой мобайнида олинган мукофотнинг ўн иккидан бири, масалан, бу – 300 минг бўлди десак, мана шу 300 мингга бир ярим миллионга қўшамиз. Демак, бир миллион 800 мингдан нафақа пули ҳисоблаб чиқарилиши керак. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунга бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффицентини ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

Ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақа, шу жумладан, мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ нафақа тайинланганда ҳам, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда берилади.

Пандемия ва карантин сабаб...

ҳодимлар ва иш берувчилар томонидан энг кўп берилётган саволларга жавоблар

САВОЛ: Мен корхона раҳбариман. Айрим ходимлар, яъни ишлаб чиқариш цехи ходимлари иш кунини давомийлик тик туриб ишлашнинг, айримлари эса ярим ертўла шартини давомийлик асос қилиб, қисқартирилган иш вақти белгилашни талаб қилмоқда. Ундан ташқари, ёш болали аёл ходима ҳам иш кунини 2 соатга қисқартиришини сўрамоқда.

Кўнунчиликда кимларга қисқартирилган иш вақти белгилашни кафолатлангани ва унда иш ҳақи тўлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, меҳнат шартини баҳолаш услубиёти, аниқроғи, иш жойларини аттестациялаш асосида белгиланади.

МКнинг 118-моддасига биноан алоҳида тусга эга бўлган ишларда, яъни юқори даражадаги ҳис-ҳажон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддатини Ҳуқуқмат белгилайди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 133-сонли қарорининг 4-иловасида алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш кунини белгилашдаги ходимлар рўйхати ва 8-иловасида меҳнат шартини ўта зарарли ҳамда ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатлари тасдиқланган.

МКнинг 229-моддасига биноан ҳомилдор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи уларга тўлиқсиз иш кунини тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир. Бунда иш ҳақи ходим ҳақиқатда ишлаган вақтига мутаносиб миқдорда тўланади.

алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (МКнинг 118-моддаси);
уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (МКнинг 228-1-моддаси);
МКнинг 117-моддасига биноан иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари



САВОЛ: Мен – Калимбетов Алламберган, 39 йиллик меҳнат стажим билан 60 ёшга етганимдан сўнг пенсияга чиқдим. Шунга ҳам 4 йил бўлди. Темир йўл транспорти институти тасдиқлаб, темир йўл тизимида меҳнат қилдим. 2001 йилдан «Ўздавтемирйўл назорат» инспекциясида фаолият юритганман. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимидаги ташкилотларнинг барчасига жамоа шартномаси орқали қатор имтиёзлар белгиланган эди, лекин биз шу имтиёزلардан фойдалана олмаяпмиз. Менга ўшаган яна 30 нафарга яқин пенсионер бор. Илтимос, тушунтириб берсангиз, имтиёзларимиздан фойдаланишимизга бизга нима тўсқинлик қиляпти?

ЖАВОБ: Сиз нафақага чиққан ташкилот ҳозирги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимида бўлмай, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси («Ўзтемирйўл назорат» инспекцияси) ҳисобланади. Жамоа шартномаси корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касба оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Жамоа шартномаси орқали белгиланган нормалар фақат ўша ташкилотга тегишли бўлади.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида белгиланган имтиёзлар (нормалар) «Ўзтемирйўл назорат» инспекциясида қўлланилмайди.



САВОЛ: Мен хусусий клиниканинг кардиология бўлимига ҳамшира бўлиб ишга кирдим. Иш вақтим душанба – жума кунлари 7 соат, шанба кунини 5 соат қилиб белгиланган. Ходимлар бўлими бошлиғига «Бошқа шифоналарда ҳамшираларнинг иш вақти қисқартирилган, нима учун бизда қисқартирилмаган» деса, «Бу хусусий клиника, Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатда кимларга қисқартирилган иш вақти белгилашни белгилаб қўйилган. У рўйхатда кардиология бўлими ҳамширалари кўрсатилмаган» деган жавоб олдим. Шу тўғрисида, агар тўғри бўлса, нима учун бошқа шифоналарнинг ҳамширалари қисқартирилган иш соати асосида ишлашади?

ЖАВОБ: Меҳнат кодексига мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар иштироғида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган.

Ҳатто чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва юртимиз ҳудудида жойлашган корхоналарда ҳам Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Демак, «бу хусусий клиника» деб нотўғри жавоб берилган. Хусусий корхоналарга ҳам меҳнат қонунчилиги тўлиқ татбиқ этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат (қарорнинг 4-иловаси)га келсак, ҳақиқатан ҳам, у рўйхатда кўпгина тиббиёт ходимлари, шу жумладан, «кардиология бўлими ҳамшираси» кўрсатилмаган.

Аммо Конституциявий суднинг 1998 йил 26 февралдаги қарори билан, шахс ҳуқуқининг устуворлигини инобатга олиб, Конституцияда белгилаб қўйилган меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишдан ва Меҳнат кодексига 118-моддасининг мазмунидан келиб чиқиб, қайд этилган рўйхатда кўрсатилмаган бўлса ҳам, барча тиббиёт ходимларининг иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошиши мумкин эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилган. Бу қарор қонуний кучда. Демак, сизнинг иш вақтингиз ҳафтасига 36 соатдан кўп бўлиши мумкин эмас.


САВОЛ: Тиббиёт бирлашмасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилмаган бўлса, шу вазифани раҳбар ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклаб қўйса бўладими?

ЖАВОБ: Ташкилотларда идоравий (тузилмавий, аъзолик, назорат остидаги) бўлинмалар сонини, фаолият хусусиятларини, касбга оид хавф-хатар даражасини ва ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари (бошқармалар, бўлимлар, бўйбалар) ташкил этилади, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади ёхуд хизмат функцияларини бажариш махсус тайёргарликка эга ходимга юклатилади.

Бунда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилиши ёки хизмат функциялари махсус тайёргарликка эга бўлган ходимга юклатилиши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) билан келишган ҳолда ушбу органлар ходимларининг тасдиқланган сонини, улар тузилмасига кирадиган ташкилотлар фаолиятининг хусусиятларини, касбга оид хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Хизмат функциялари юклатиладиган ходим Ҳуқуқматнинг 2017 йилдаги қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби» асосида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатига эга бўлиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари шартнома асосида амалга ошириши мумкин.



Саволларга Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш ва Юридик бўлими мудири Нодира КАРИМОВА, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ жавоб берди.





Айни карантин кунларида «Банклар пандемия тўғрисида кредит беришни тўхтатган, улардан чорвачилик, оилавий тадбиркорлик қилиш мақсадида ёрдам сўрашнинг ҳожати йўқ», деган гаплар тез-тез қулоққа чалиниб қолмоқда. Балки, бу иддаоларда жон бордир? Ҳар ҳолда, шамол бўлмаса, даракнинг уч қимирламайди.

– Хўш, ҳақиқатан ҳам шундайми? – Тегишли қарор ва фармонларга мувофиқ тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, асарчилик, балиқчилик, чорвачилик, иссиқхона, мева-сабзавотчилик, тикувчилик, хунармандчилик, паррандачилик ва бошқа шу каби қатор соҳаларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда, – дейди «Халқ банки»нинг комплекс раҳбари Жамолiddин ЮСУПОВ. – Юқоридаги гаплар ўринсиз. Мисол учун, айни карантин вақтида «Халқ банки» томонидан 19 минг 183 та лойиҳага 550,5 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди ва 19 минг 958 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 24 июнь ҳолатига кўра, «Халқ банки» «Оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастури доирасида 21 минг 232 та лойиҳага 647,5 миллиард сўм миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратди. Натيجада 22 минг 532 нафар аҳоли доимий даромад келтирадиган ўз ишга эга бўлди.

Оилавий тадбиркорлик учун кредитлар ажратишда инсон омиллини камайтириш ва кредит муддатларини қисқартириш мақсадида «Оилавий бизнес» мобил иловаси жорий қилиниб, онлайн хужжатлар қабул қилиш йўлига кўйилган. Ушбу тизим юқоридаги қулайликлар билан бир қаторда пул ажратишда шаффофликни ҳам таъминлайди. Бунда «Андеррайтинг» тизимидан самарали фойдаланилмоқда.

Қолаверса, «Ешлар – келажикимиз» дастури асосида «Халқ банки» томонидан 214 та лойиҳага 55,2 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 607 та янги иш ўрни яратилди.



«МАҚСАДИМИЗ – МИЖОЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ»

– Масалан, чорвачилик ёки оилавий тадбиркорликка кредит олоқчи бўлган миқдор ҳеч қачонда ишламайди. Аҳоли танг. Шундайларга кредит ажратиладими? – Авваллари кредит олиш учун, албатта, даромади тўғрисидаги маълумот талаб этиларди. Унга қўшимча равишда кафил ҳам сўралар эди. Лекин ҳозир бундай эмас. Ҳеч қандай даромадга эга бўлмаган ёки нафақадаги фуқаролар ҳам 67 та фаолият тури (пазандалик, иссиқхона, чорвачилик кабилар) дан бирини танлаб, шу асосда кредит ола билади. Бунинг учун ўзи яшаётган туман ёки шаҳар ҳокимлигига бориб, шу 67 та фаолият туридан бирини танлайди ва шу асосда унга 33 миллион сўмгача кредит ажратилади.

– Сўнги йилларда хотин-қизлар бандлиги, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Хўш, бу борада банк қандай ишларни амалга оширмоқда? – Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мам-

лакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу фармон ижроси доирасида «Халқ банки» хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг бизнес фаолиятига кўмак кўрсатишга катта эътибор қаратаётир.

Ўтган 2019 йилда банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар доирасида 36 мингдан ортиқ янги иш ўрнлари яратилди. Бунинг натижасида бюджетга 1,2 миллиард сўмлик солиқ тушумлари тушган.

Жорий йилда ҳам «Халқ банки» аёллар тадбиркорлиги ва уларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттирмоқда.

– Карантин вақтида аксарият ташкилотлар аҳолига масофавий хизматни йўлга қўйди. Бу, ўз навбатида, қўллаб-қувватлаш ва сансизларнинг олдин олишга хизмат қилмоқда. «Халқ банки» айнан пандемия даврида ўз миқдорларига қандай қулайликлар яратиб бермоқда? – Бугунги кунда «Халқ банки»нинг миқдори 17 миллион нафар-

Молия муассасаларида

нат очиши, кредит расмийлаштириши ва бошқа банк хизматларидан фойдаланиши мумкин. «НАНО» кредит амалиёти орқали қисқа вақт давомида 916 нафар миқдорга 1,5 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.

Аҳоли ва миқдорларга янада яқинроқ бўлиш мақсадида жорий йилнинг охиригача 45 та «Банк хизматлари маркази»ни 89 та (бугунги кунда ушбу марказларнинг 8 таси ўз фаолиятини бошлаган), банк-коматлар сонини 1 минг 200 тага етказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, шу йилда Тошкент шаҳрида ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган 5 та «Smart» офислар ишга туширилади.

Айни пайтда ҳукумат комиссиясининг тегишли қарорлари билан миқдорлар кредит тўловларининг асосий қисмини қайтаришдан 1 августгача овоз этилган. Шу давр мобайнида фақат ҳисобланган фоизларни тўлаш кифоя. Борди-ю, бунга ҳам қурби етмаса, карантин тугагач, тўласа ҳам бўлади. Кечиктирилган фоиз ва асосий қарздорликка ҳеч қандай пеня ҳисобланмайди. Бундан ташқари, миқдор ўз хоҳишига кўра, банкка ариза билан мувожабат этиб, асосий кредит қайтариш мuddа-



дан ортиқ. Албатта, пандемия шароитида фуқароларга хизмат кўрсатишда бир қатор қулайликлар ва янги дастурларни ишлаб чиқдик. «Xalq mobile» мобил иловаси орқали масофадан туриб кредит олиш имконини берувчи «НАНО» кредит амалиёти, аҳоли мувожабатларига ўз вақтида жавоб бериш ва банк хизматларини кўрсатишда инсон омиллини камайтириш мақсадида Жиззах шаҳрида мутлақо янги форматда ишга туширилган (71 210-20-02 рақами) «Call-center» шулар жумласидан. Марказ орқали миқдорлар эндиликда уйдан туриб омо-

тини беш-олти ойга қадар сурдириш имкониятига ҳам эга.

Хулоса қилиб айтганда, «Халқ банки»нинг 11 минг нафардан зиёд ишчи-ходими аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда миқдорлар талабини қондириш йўлида бор имкониятини ишга солиб, хизмат қилмоқда.

Ғулможон МИРАҲМЕДОВ
ёзиб олди.



Қовун қовундан ранг олади(ми)?

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротехника мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Арнасой тумани бўлими ходимлари ўтказган мониторинг ва назорат тадбирларида ердан нотўғри фойдаланиш, агротехник тадбирларни бажармаслик каби бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, тумандаги «Хоразм» СИУ ҳудудига жойлашган «Жонпўлат Голд 2020» фермер хўжалигида жорий йил пахта ҳосили учун 24 гектар майдонга чигит экиш белгиланган эди. Бироқ назорат тадбирларида 8 гектар майдонга чигит экилгани етмаганидай, фермер Д.Ж. 6 гектар майдонга ўзбошимчилик билан ошқовоқ экиб, қолганга шולי кўчатлари қадаётгани маълум бўлди. Инспекция ходимлари мазкур қонунбузилиш ҳолатларига тегишли ҳуқуқий баҳо бериш учун МЖТКнинг 65-моддаси билан расмийлаштирилган хужжатларни Маъмурий ишлар бўйича Арнасой тумани судига юборди.

«Бўстон» ҚФЙ ҳудудига яшовчи фуқаро О.О. эса «Сирожиддин Норбоев» фермер хўжалиги раҳбарлиги вақтида суғориладиган ер майдонини ҳудудидан ноқонуний равишда 0,0158 гектар ер майдонига дала уйи қуриб олган. Ўзбошимчилик билан қурилган қулоққа ҳам МЖТКнинг тегишли моддаси асосида хужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий судга юборилди ва суд қарори билан фуқарога базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари, яъни 446.000 сўм миқдордаги жарима жазоси тайинланди.

«Қовун қовундан ранг олади» деганларидек, шу ҳудудда истиқомат қилувчи Ш.Х. ҳам айнан шу йўлдан бориб, «Сариқ қоплон даласи» фермер хўжалигининг 0,0096 гектар ер майдонига дала уйи қурган. Ҳолатни ўрганган инспекторлар унинг бу ишини МЖТКнинг 60-моддаси 2-қисмига зид, деб топиб, хужжат расмийлаштириш ва судга тақдим қилди. Аммо фуқаро ўз хатосини вақтида англаб етиб, суд ҳужмига қадар ўз ихтиёри билан бинони бузиб ташлади. Шу сабабли бу иш юритувдан тўхтатилди.

Бундан ташқари, «Сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун талабларига амал қилмаётганлар ҳам, афсуски, орамизда кўпгаб топилди. Агротехника ходимлари ўтказган ўрганишлар давомида Й.Зоҳидов номидаги СИУ ҳудудидagi «Шерзод илғор Агро» фермер хўжалигига қарашли даланинг 0,2 гектар ер майдонини қўллаб-ётгани аниқланган. Хўжалик аъзолари бу билан зикр этилган қонун талабларини бузган. Ушбу



ҳолатга нисбатан далолатнома тузилиб, тўпланган хужжатлар чора кўриш учун маъмурий судга юборилган. Суд фермерга базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорда жарима чорасини қўлади.

Хулоса шуки, сабаблар қандай бўлишдан қатъи назар, ҳеч кимнинг қонун доирасидан четга чиқишига ҳаққи йўқ. Қонун устувор бўлган жамиятда эса ривожланиш бўлади.

Воҳоб МИТАНОВ,
«Узагроинспекция»нинг Арнасой тумани бўлими бошлиғи

Таассуф

Эълон

«BEST AUKSJON SAVDO» МЧЖ маълум қилади

«BEST AUKSJON SAVDO» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 11.06.2020 йилдаги № 61 (4346)-сонидан берилган эълонга кўра, 2020 йил 25 июнь кунини соат 14:00да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига «Ўзбекгеофизика» АЖ «Яккабоғ» экспедицияси филиалининг 01.06.2020 йилдаги № 01/1-167-сонли буюртмасига асосан экспедиция ҳисобидида қуйидаги 19 бош чорва моллари яхлит биргаликда кўйилган эди.

Ушбу эълонга тузатиш киритилмоқда: эълондаги «мулклар

нинг бошланғич баҳоси – 68 139 825 сўм» деб ўқилсин.

«Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан: – Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги

гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, раҳбарнинг паспорт нусхаси, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади», деган жумласи

«Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан: – Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, раҳбарнинг паспорт нусхаси, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади», деб ўқилсин.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони. Тел.: (99) 862-16-71. E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома: № 576174

Эҳтиёт шарт

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари турлича. Айниқса, болаларнинг ўйинқароқлиги оқибатида содир бўлган ёнғин жуда хавфли. Шундай ота-оналар ҳам борки, эътиборсизлик ва масъулиятсизликка тўғрисида фарзандлари ёш бўлишига қарамай, уларни ёлғиз ўйда қолдириб кетишади. Ҳатто гугуртларни уларнинг қўли етмайдиган жойларга яширишни ҳам унуттишади.

Болаларга қондаларни ўргатайлик!

Катталар ҳамиша фарзандларига ёнғиндан эҳтиёткорона фойдаланиш кераклигини уқитириши, гугурт, электр, маиший-асбоблар ва газ жиҳозларининг ўйинчоқ эмаслигини тушунтириб бориши шарт.

Айтиш жоизки, ёнғинлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар катта миқдорда моддий зарар келтиришдан ташқари, энг аянчлиси – ўлимга сабаб бўляпти. Шунинг учун маслаҳатимиз: болаларни ўйда қаровсиз қолдирмаслик, гугуртларни болаларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш, ўйдан чиқиш чоғида электр иситкич ва газ асбобларини ўчириш, болаларга олов билан ўйнаш, электр иситкич асбоблари, маиший техника воситаларидан фойдаланишга руҳсат бермаслик, болаларга олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўргатиш, ёнғин келиб чиққудай бўлса, қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини уқитириш зарур.

Тоҳиржан ИСМОИЛОВ,
Дилшод БОЛЕГЕНОВ,
Президенти Администрацияси

биносидан ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими ёнғин назорати профилактика инспекторлари

Эълон

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 22-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 16.06.2012 йилда Бурxonжоев А.Б. босқон Босқон Угли номига берилган U-N9574341 рақамли шаҳодатнома йўқолиши маълум қилинади.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Назарова Миярсархон номига Янгийўл тумани, Гулбаҳор кўрғони, Ш.Рашидов кўчаси, 1 «А»-уй, 7-жондон учун берилган кадастр хужжатлари йўқолиши маълум қилинади.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Фаткулдинова Зайнаб номига Янгийўл тумани, «Гулбаҳор» Ш.Ф.И. Кирда кўчаси, 14-уй учун берилган TO 0035375 рақамли кадастр хужжатлари йўқолиши маълум қилинади.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани «Тинчлик» ҚФЙ «Истиқлол» МФЙ, Дўстлик кўчаси, 30-уй учун Махаммадова Фотима Султоновна номига берилган TO 0232269, TO-0088958 рақамли кадастр гувоҳномалари йўқолиши сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2016-5009
2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайвоти:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайвоти раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлиб),
- Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Х.Норбоев

Саҳифаловчи:
Х. Абдураҳимов

Босишга топшириш вақти – 22:00
Тошриштириш – 05:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Буюртма Г – 617.
30062 нускада босилди.
Наш қўрсатилиши: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharg» нашриёт-матбаа анкидорлик компанияси босмақанда чоп этилди.
Қорхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобномаси:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТР: 201133889,
ОКЭД: 58130